QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 14-noyabr, shanba • №46(3836)

ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ

РЕПОРТАЖ

Бу йил тиббиёт ходимлари касб байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали ташкил этилганига 55 йил бўлди. Ушбу санани муносиб нишонлаш учун эрта тонгдан турли вилоятлардан кўплаб тиббиёт ходимлари, нуфузли меҳмонлар ташриф буюришди.

Дастлаб атиги қирқ ўринли шифохона сифатида ташкил топган Марказий госпитал бугун замонавий техника ва тажрибали шифокорларга эга масканга айланди. Мустақилликдан сўнг яратилган имкониятлар, моддий-техника базасининг такомиллашиб бориши туфайли ички ишлар идоралари ходимлари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларининг саломатликларини тиклаш учун қулай имкон яратилди.

Чиройли қилиб безатилган, Марказий госпитал тарихидан, бугунги кунидан сўзлаётган залга бирин-кетин меҳмонлар кириб кела бошлашди.

(Давоми 3-бетда).

МАНГУ ҲИЛПИРАЙВЕР, ВАТАН БАЙРОҒИ!

«Ойнаи жаҳон» тугмачасини босдим. Нуфузли халқаро мусобақа давом этарди. Беллашувда иштирок этаётган юртдошларимиздан бири барча рақибларини бирин-кетин енгиб, финал босқичига йўлланма олди. Вакилимизнинг муваффақияти, рақибини чапдастлик билан доғда қолдириши қалбимда фахр-ифтихор туйғуларини мавжлантириб борарди. Ниҳоят ҳал қилувчи беллашув бошланди. Шу пайт алпкелбат баҳодиримиз хориж спортчисини мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Унинг шарафига Давлатимиз мадҳияси янграб, мамлакатимиз байроғи кўтарилди. Дунёнинг бир бурчагида, ҳашаматли спорт қасрида юртимиз байроғи музаффар спортчимиз боши узра ҳилпираб туришидан беихтиёр кўзимда севинч ёшлари қалқиди. Давлатимиз байроғи ўзбекнинг маданияти қадимийлигини, меҳнаткаш ва заҳматкаш халқнинг донишмандлиги, ҳалоллигини дунё афкор оммасига намоён этаётганди, гўё. Унда улуғворлик мужассам эди.

Ҳа, ҳар бир давлатнинг байроғи муқаддас ҳисобланади. Бизнинг байроққа назар ташласангиз унда халқимизнинг улуғворлиги ва маданиятининг қадимий ҳамда боқийлиги акс этганини кўрамиз. Байроқдаги тириклик мазмунини акс эттирган мовий ранглар мангу осмон, обиҳаёт рамзини, оқ ранг эса муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, бугунги осойишта ҳаётимиздан дарак беради. Яшил ранг – табиатнинг янгиланиши, жаннатмакон ҳур диёримизнинг гуллаб-яшнаётганлигига ишора. Навқирон ярим ой тасвири буюк тарихимиз, анъаналаримиздан сўзлайди. Ўн икки юлдуз тасвири халқимиз – маданияти тарихийлиги, унинг ўз тупроғида саодатга, комилликка, интилиши рамзи сифатида тушунишга ундайди. Байроқдаги қизил ҳошиялар – вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат ирмоқлари тимсоли бўлиб, бу тарихий анъаналаримиз билан боғлиқдир, айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир.

Муқаддас ва улуғ байроғимиз бошимиз узра ҳилпираб, бизни аждодлар жасоратига содиқ қолиб, янги зафарлар сари чорлайди. Озод ва обод Ватанимиз байроғи билан фахрлансак арзийди.

Зеро, ҳар бир давлатнинг фуқароси ўз байроғи билан ҳар қанча фахрланишга ҳақли. Ўзини мустақил Ўзбекистон фарзандиман дегувчи, шу юрт равнақи учун фидойи бўлган киши ўз байроғини ҳурмат қилиши, эъзозлаши шарт. Мангу ҳилпирайвер, юртим байроги!

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

АФҒОНИСТОНДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ВА СТРАТЕГИК ВАЗИЯТГА ПРАГМАТИК БАҲО

Дунёнинг энг йирик ахборот агентликлари учлигига кирувчи — «Associated Press» ҳамда «Reuters» ахборот агентликлари билан бир сафда турувчи «United Press International» (UPI) халқаро ахборот агентлиги «Четдан назар: Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича таклифи аҳамиятли ва долзарбдир» — «Афғонистон: нега «6+3»?» сарлавҳали мақолани чоп этди. Мақола муаллифи таниқли халқаро журналист, Жонс Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти тадқиқотчиси Жон Дейли. Қуйида америкалик экспертнинг ушбу мақоласини газетхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

«Афғонистонда юз берган сўнгги воқеалар, мамлакатдаги вазиятнинг янада мураккаблашуви ҳамда АҚШ аскарлари орасида қурбонлар сонининг тобора ортиб бораётгани Вашингтон янги афғон стратегиясини ишлаб чиқишга уринаётган бир пайтда афғон можаросини бартараф этиш йўлларига янгидан назар ташлаш зарурати юзага келганидан дарак беради.

Афғонистонда АҚШ ҳарбий амалиёти бошланганидан 8 йил ўтгач, мамлакатда «Толибон» ҳаракатининг таъсири кучайди, уларнинг жанговар ҳаракатларининг кескин фаоллашуви ҳозирги вақтда «Толибон» ҳаракати мамлакат ҳудудининг катта қисмини ўз назорати остига олишига замин яратди.

Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиш Вашингтонда кескин баҳс-мунозара объектига айлангани ҳолда, яқинда Афғонистонда ўтказилган ниҳоятда сохталаштирилган сайловлар мамлакат сиёсий ҳаётида деструктив анъаналарнинг юзага келишига ва этник-ҳудудий кескинликнинг авж олишига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, қўшни Покистонда беқарорликнинг кучайиб бораётгани Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазиятга бевосита ва салбий таъсир кўрсатмоқда. Кобулдаги ҳокимиятнинг фаолиятсизлиги давом этаётгани, Карзай ҳукуматининг заифлиги ва ўз вазифаларини муносиб бажара олмаётгани боис ушбу жараёнлар авж олмоқда.

Бунга жавобан, дунёнинг етакчи сиёсатчилари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва ушбу мамлакатнинг узоқ вақтлардан буён ечимини топмай келаётган муаммоларини ҳал этиш борасида турли ташаббусларни илгари суришмоқда.

(Давоми 3-бетда).

ДИҚҚАТ!

«ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ»

Ҳурматли юртдошлар!

Биз, ички ишлар идоралари ходимлари Сизнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришингиз учун масъулмиз. Шу боисдан, Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исм-шарифи сир сақланиши кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	**(8-371) 233-22-33** **(8-371) 233-39-39**
Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги	**(8-361) 222-56-76**
Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси	**(8-371) 232-03-30**
Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-374) 224-87-50**
Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-365) 224-64-86**
Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-372) 226-03-02**
Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-436) 223-06-71**
Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-369) 226-60-55**
Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-366) 233-00-00**
Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-367) 225-33-30**
Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-376) 227-25-51**
Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-371) 264-18-32**
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-373) 224-29-08**
Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-362) 226-37-10**
Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси	**(8-375) 221-82-45**
Транспорт Ички ишлар бошқармаси	**(8-371) 252-61-39**
ИИВ ҳузуридаги «Қўриқлаш» бирлашмаси	**(8-371) 236-23-70**

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

ҲАМКОРЛИККА ДАДИЛ ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига АҚШ Адлия вазирлигининг наркотикларга қарши кураш агентлиги разведка бўлинмаси директорининг ўринбосари Энтони Пласидо раҳбарлигидаги делегация ташриф буюрди. Шунингдек, учрашувда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Р. Норланд ҳозир бўлди.

Мартабали меҳмонларни республика Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, полковник А. Ибрагимов қабул қилди ва суҳбатлашди. Учрашувда республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси бошлиғи, полковник Ш. Иноғомов иштирок этди.

Вазирнинг биринчи ўринбосари, полковник А. Ибрагимов ушбу ташриф давлатлараро ўзаро ишончни мустаҳкамлаши, жиноятчиликка қарши кураш борасида ҳамкорликда фаолият олиб борилиши бениҳоя самарали эканлигини таъкидлади. Шунингдек, республикамиз ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жиноятчиликка, хусусан гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашнинг бугунги аҳволи, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Ўз навбатида жаноб Энтони Пласидо ҳам АҚШ ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан наркотик моддаларга қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталди. Шунингдек, меҳмонлар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашишда икки томонлама ҳамкорлик, тажриба алмашиш йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлишини алоҳида қайд этдилар.

Учрашув сўнггида томонлар дўстона, ўзаро манфаатли ҳамкорликка ишонч билдириб, бир-бирларига эсдалик совғалари топширишди.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: ***учрашув пайти.***

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Шокир Ботирович ЎРИНОВ.

Шокир Ботирович Ўринов 1960 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1982 йилда Навоий шаҳар ИИБ ДЁСБ инспектори лавозимидан бошлаган. 1983–1992 йилларда Навоий шаҳар ИИБ ДАНБ инспектори, тергов бўлинмаси терговчиси, бўлинма бошлиғи, Навоий вилояти ИИБ ТБ катта терговчиси, Самарқанд вилояти ИИБ ТБ терговчиси, Навоий шаҳар ИИБ ТБ катта терговчиси, Навоий тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, 1992–2009 йилларда Навоий вилояти ИИБ ТБ бошлиғи ўринбосари, ЭКБ бошлиғи, Нурота тумани ИИБ бошлиғи, Учқудуқ тумани ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, Тергов бошқармаси бошлиги ўринбосари, Нурота тумани ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ ТИБ бошлиги лавозимларида хизмат қилган.

* * *

Бухоро вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, полковник Юсупбой Кенжаевич АВАЗМЕТОВ.

Юсупбой Кенжаевич Авазметов 1957 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилда Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Давлат ва жамоат мулкини талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлинмаси тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 1987–1995 йилларда Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ДЖМТТҚКБ бошлиғи ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИБ ДЖМТТҚКБ катта тезкор вакили, Иқтисодиётдаги жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси катта тезкор вакили, ЖҚБ катта тезкор вакили, КР ва ТҚКБ катта тезкор вакили, 1995–2009 йилларда республика ИИВ КР ва ТҚКББ катта тезкор вакили, Қашқадарё вилояти ИИБ КР ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, республика ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ бўлим бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари, Хоразм вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва ТҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

Хоразм вилояти ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Иззат Назарович ШЕРНАЗАРОВ.

Иззат Назарович Шерназаров 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Тошкент олий мактабини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1984 йилда Бухоро вилояти Файзулла Хўжаев тумани ИИБ милиционери лавозимидан бошлаган. 1990 – 2009 йилларда Бухоро вилояти Файзулла Хўжаев тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, бўлинма бошлиғи ўринбосари, Тўқимачилик тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Бухоро шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи, Жондор тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, Қоровулбозор тумани ИИБ, Когон шаҳар ва туман ИИБ, Ғиждувон тумани ИИБ бошлиғи, Бухоро вилояти ИИБ ҲООБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

Жиззах вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Баҳриддин Ўролович САФАРОВ.

Баҳриддин Ўролович Сафаров 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1993 йилда республика ИИВ АТИБ шахсий таркиб билан ишлаш бўлими инспектори лавозимидан бошлаган. 1995–2009 йилларда республика ИИВ АТИБ ШТБИБ катта инспектори, Жиззах вилояти ИИБ ШТБИХ инспектори, катта инспектори, Пахтакор тумани ИИБ бошлиғининг ШТБИ бўйича ўринбосари, вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи ўринбосари, Фориш тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командири, Дўстлик тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, Арнасой тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

Навоий вилояти ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Ғулом Аҳмаджонович ДАВЛАТОВ.

Ғулом Аҳмаджонович Давлатов 1963 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИВ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1985 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг милиционери лавозимидан бошлаган. 1989–2009 йилларда Тошкент шаҳар Сирғали тумани ИИБ ЖҚБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖҚБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари – ЖҚ ва УЖҚКБ бошлиғи, туман ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

* * *

Хоразм вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, подполковник Бахтиёр Пўлатович ЯКУБОВ.

Бахтиёр Пўлатович Якубов 1964 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент электротехника институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1989 йилда Хоразм вилояти Питнак шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси МҚП бошлиги лавозимидан бошлаган. 1994–2009 йилларда Питнак шаҳар ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси катта инспектори, взвод командири, қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, бўлинма МҚП бошлиги, рота командири, вилоят ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими катта инспектори, бўлим бошлиғининг ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

Наманган вилояти ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлинмаси ташаббуси билан вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида профессор-ўқитувчилар ҳамда тингловчилар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди. Уни институт проректори Ҳ. Солиев очиб, бундай тадбирлар билим масканида мунтазам ўтказилаётгани, бу эса ўз навбатида талабаларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Тадбирда вилоят ИИБ ИҲҲҚ ва ЮТБ катта юрист-консульти, подполковник А. Дадабоев «Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» мавзусида маъруза қилди.

Шунингдек, давра суҳбатида вилоят Адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи У. Исматуллаев ҳамда Омбудсманнинг вилоятдаги минтақавий вакили О. Нуриддинов фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шундан сўнг, институт ўқитувчилари ва тингловчилари ўртасида қонунчилик, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида қизғин мулоқот бўлиб ўтди. Тингловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Фурқат МАМАЖОНОВ, майор.

ЭЪЗОЗ

НАФАҚАГА КУЗАТИЛДИ

Республика ИИВ ХЧК ва ФРБда бўлиб ўтган навбатдаги Маърифат дарсида бошқарманинг хорижга чиқишни расмийлаштириш бўлимида узоқ йиллар давомида фаолият кўрсатиб, ўзининг куч-қувватини фуқаролар осойишталиги ва тинчлиги йўлида сарфлаган подполковник Раҳматилла Эргашев катта ҳурмат ва эҳтиром билан нафақага кузатилди.

– Биз Раҳматилла Эргашев билан узоқ йиллар давомида бирга ишладик. Энди ана шу кўп йиллик меҳнатнинг роҳатини кўриб юришини тилаймиз, – деди бошқарма бошлиғи, полковник Б. Шорихсиев. – Унинг бой тажрибаси ёш ходимларимиз учун мактаб. Ҳамкасбимиз тез-тез келиб, билим ва маҳоратини ёшларга ўргатиб туради, деган умиддамиз.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар подполковник Р. Эргашев устоз сифатида кўп нарсаларни ўргатганлиги, ҳамиша ўзининг қимматли маслаҳатлари билан ёрдам берганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Шундан сўнг нафақага кузатилаётган подполковник Р. Эргашевга эсдалик совғалари топширилиб, ўзбекона анъаналар бўйича тўн ва дўппи кийгизилди.

Ё. МУҲАММАДЖОНОВ.

РЕПОРТАЖ

ҲАМИША ЭЪЗОЗДАСИЗ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Соат 10.00. Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Сайфулла Нурматов вазирлик раҳбарияти ва ўз номидан йиғилган барча меҳмонларни, шифокорларни тиббиёт ходимлари куни ва Марказий госпиталнинг қутлуғ юбилейи билан қутлади. У ўз табрик сўзида жумладан шундай деди:

– Мустақилликка эришилгач, Юртбошимиз томонидан ички ишлар идораларига, уларда хизмат қилаётган ходимларга бўлган эътибор янада ортди. Шу сабаб уларнинг соғлиғини сақлаш, керак пайтда зарур тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ИИВ Марказий госпитали янги бинога кўчирилди. Деярли қайта таъмирланган, замонавий хорижий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган шифохона бугун беморлар хизматида. Саломатлик посбонларининг келгуси фаолиятларида ҳам муваффақият ёр бўлишини тилаб қоламан.

Шундан сўнг хизматда ўрнак кўрсатиб, ҳамкасбларига ибрат бўлаётган бир гуруҳ ходимларга республика Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбовнинг буйруғига биноан навбатдан ташқари махсус унвонлар берилди ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Марат Ҳожибеков сўзга чиқиб, ИИВ Марказий госпиталининг кенг имкониятлари, бу ерда хизмат қилаётган шифокорларнинг юксак малакали эканлигини эътироф этди.

Шунингдек, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонлари ва соҳа фахрийларига пул мукофотлари топширилди.

ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, полковник С. Муҳаммедов ва Марказий госпитал бошлиғи, полковник Ҳ. Усмоновлар бу эътибор ва эъзоз учун раҳбариятга миннатдорчилик билдиришди.

– Мен Қашқадарё вилоятидаги жазони ижро этиш муассасасида нарколог-шифокор бўлиб ишлайман. Маҳкумлар орасида гиёҳвандликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги жамоамизнинг хизмати ўз қадрини топганидан хурсандман. Навбатдан ташқари берилган майор махсус унвони мени жуда руҳлантириб юборди. Бундан кейин ҳам халқимизга сидқидилдан хизмат қиламан, – дейди Баҳодир Арабов.

– ИИВ Марказий госпиталида иш бошлаганимга қарийб ўн йил бўлди, –дейди лаборатория бошлиғи, «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишони соҳибаси, майор Гулчеҳра Раҳматуллаева. – Ўтган йиллар давомида госпитал лабораторияси анча мукаммаллашди. ИИВ раҳбарияти, Тиббиёт бошқармаси ва Марказий госпитал мутасаддиларининг доимий эътибори, моддий кўмаги туфайли бугун лаборатория жаҳон талабларига муносиб равишда жиҳозланди. Айни кунда лабораторияда 30 турдан ортиқ биохимик, 40 турдан зиёд клиник текширувлар бажарилмоқда. Беморларга қисқа муддатда аниқ ташхис қўйилаётгани уларни даволашда муҳим омил бўлаяпти.

– Ички ишлар идораларида 50 минг нафардан зиёд фахрийлар бор. Иссиқ жоннинг иситмаси бор деганларидек, кексалик сабабми биз тез-тез Марказий госпиталнинг ширинсухан ҳамширалари, сўзи даво шифокорларини «йўқлаб» турамиз, – дейди ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғафуржон Раҳимов. – Уларнинг маҳорати, меҳру мурувати, муолажалари туфайли яна ўзимизни бардам сезамиз.

Тантанага ташриф буюрган эл суйган санъаткорларнинг дилтортар наволари, сўз усталарининг ичакузди ҳангомалари барчага манзур бўлди. «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи аъзоларининг қўшиқ ва жозибадор рақслари эса даврага янада файз киритди.

Гули Нигор АВАЗОВА.
Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*
Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

АФҒОНИСТОНДАГИ ГЕОСИЁСИЙ ВА СТРАТЕГИК ВАЗИЯТГА ПРАГМАТИК БАҲО

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Афғонистон муаммосига бағишлаб ўнлаб халқаро анжуманлар ва учрашувлар ўтказилганига қарамай, уларнинг барчаси бирон-бир амалий самара бермагани, мазкур тадбирлар доирасида қабул қилинган қарорлар Афғонистондаги вазиятга мутлақо тўғри келмаслиги билан изоҳланади.

Шу маънода, 2008 йил апрель ойида Бухарестда ўтказилган НАТО саммитида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ташаббуслар ўта муҳим аҳамият касб этади. Президент Ислом Каримовнинг ўз вақтида «сояда қолган» ташаббуси Жорж Буш маъмуриятининг Грузия ва Украинани Альянс таркибига киритишга интилган бир пайтда Афғонистондаги геосиёсий ва стратегик вазият прагматик жиҳатдан баҳоланган билан ажралиб туради. 2001 йил 11 сентябрь фожиасидан анча олдин Ўзбекистон раҳбари Афғонистон глобал терроризм ва диний экстремизм ўчоғига айланиб бораётгани ҳақида бир неча бор огоҳлантирган эди. Кейинчалик воқеалар ривожи ушбу башоратни тасдиқлади.

Президент Ислом Каримов мулоҳазасининг моҳияти шундан иборатки, афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, шу боис аҳолининг қашшоқлашуви ва ишсизлик билан боғлиқ бўлган афғон жамиятининг оғир ижтимоий-иқтисодий муаммоларини бартараф этиш учун жиддий зарурат юзага келади. Бундан ташқари, Афғонистон ўзининг ноёб тарихи ҳамда маданиятига эга бўлган кўп элатли ва кўп конфессияли давлат бўлиб, бу ерда халқ менталитети, унинг тақводорлигини ҳар томонлама инобатга олиш, уларни менсимаслик ёки топташ ўрнига, аксинча, ҳурматини жойига қўйиш тақозо этилади.

Ислом Каримов маърузасининг қизиқарли ва новаторлик хусусиятига эга бўлган жиҳати, унинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича БМТ шафелигида «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Покистон, Хитой, Эрон, шунингдек, АҚШ ва Россия ҳамда Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатларини амалга ошираётган ташкилот — НАТОни қўшиб кенгайтирган ҳолда «6+3» шаклида қайта тиклаш борасидаги ташаббуси бўлди.

Ўзбекистон раҳбари таъкидладики, 30 йилдан буён афғон инқирозининг деструктив таъсирини бошдан кечираётган минтақадаги Афғонистонга чегарадош давлатларнинг бевосита иштирокисиз Афғонистон муаммосини ҳал этиб бўлмайди. Ушбу муаммо глобал аҳамият касб этгани боис, Ўзбекистон Президенти унинг ечимини НАТО таркибидаги Хавфсизликни таъминлаш халқаро кучларига (ISAF) кирувчи халқаро коалицияга аъзо давлатлар иштирокида глобал миқёсда кўриб чиқишга чақирди.

Президент Ислом Каримов «6+3» мулоқот гуруҳи аъзолари томонидан Афғонистон бўйича ягона узоқ муддатли стратегияни шакллантириш ва халқаро ҳамжамият кўмагида миллий муросага эришишнинг янги моделини ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлади. Бу айни босқичда афғон муаммосини ҳал этиш ва узоқ муддатли тинчликни қарор топтиришда зарур шарт-шароит яратади.

Президент Ислом Каримовнинг Ғарбнинг ўша пайтдаги қарашларидан анча фарқ қиладиган нуқтаи назарига кўра, Афғонистонда чет эл ҳарбий кучлари иштирокини чексиз равишда ошириш мумкин, бироқ ички умуммиллий муросага эришишнинг аниқ моделига эга бўлмай туриб, кўп йиллик зиддиятга барҳам бериб бўлмайди.

Ўзбекистон Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида, мазкур давлат бўйича БМТнинг «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ва амалга оширишда ўзига хос тажрибага асосланган ҳолда, ўз ташаббусини олға сурмоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг таклифлари афғон муаммосини БМТ доирасида фақат сиёсий йўллар билан Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги узоқ муддатли саъй-ҳаракатлари асосида бартараф этишга қаратилган.

Тошкент учрашувлари бугунги кунда ҳам долзарб бўлган икки муҳим жиҳатни кенгайтирди. 1979 йил Эрон инқилоби давридан бошлаб, америкаликлар илк бор эронликлар билан бир стол атрофига ўтиришди ва улар билан, гарчи билвосита бўлса-да, музокаралар олиб боришди. Эроннинг ядро дастури ва унинг геосиёсий амбициясига қарамасдан, Афғонистондаги инқирозни бартараф этишда ва у ерда узоқ муддатли тинчлик ўрнатиш борасида Эроннинг тутган ўрни ва унинг мавжуд имкониятларини инкор этиб бўлмайди. Тошкент Декларацияси Афғонистонда бир-бирига қарама-қарши курашаётган асосий ички кучларнинг иштироки орқали муросага эришиш борасида илк бор конструктив ёндашувни таклиф этди.

Ўзбекистонда Афғонистон маданияти, менталитети, икки халқнинг кўп асрлар мобайнида яқин тарихий ва маданий алоқалар натижасида эришилган анъана ва урф-одатлари тўғрисида мавжуд теран билимлар Афғонистон муаммоларини ечиш учун муҳим манба бўлиб қолади. Бугун Афғонистонда, асосан, мамлакатнинг шимолида 3 миллиондан зиёд ўзбеклар яшаб келмоқда. Бундан ташқари, америкаликларнинг Афғонистондаги тажрибаси 2001 йил ноябрь ойидан бошланган бўлса, Ўзбекистон мазкур муаммо билан 30 йил мобайнида, собиқ иттифоқнинг 1979 йилда ушбу жафокаш мамлакатга бостириб киришидан бошлаб тўқнаш келади.

Ўзбекистоннинг минтақада муҳим ва зарур ўрин тутишини таъкидлаётган яна бир омил — мамлакатнинг Афғонистонга унинг иқтисодиётини тиклаш учун кенг миқёсли ёрдам бераётгани саналади. Охирги йилларда Ўзбекистон темир йўлларни қуриш, электр энергияси билан таъминлаш, қазилма ишларини, қишлоқ хўжалигини, ирригация, таълим ва мутахассислар алмашинувини ривожлантириш ҳамда қурилиш асбоб-ускуналари, металл, ўғитлар, озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш каби соҳаларда жуда кўплаб ўзаро лойиҳаларни амалга оширди.

Осиё Тараққиёт банки кўмагида Ўзбекистон Афғонистоннинг шимолий вилоятларини бошқа давлатлар билан боғлаб турган ягона «Термиз — Ҳайратон» темир йўл тармоғини модернизация қилишда ёрдам бермоқда ва «Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф» темир йўл қурилишини амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг транзит соҳасида кўрсатган яна бир ёрдами бу жорий йилнинг февраль ойида фойдаланишга топширилган, НАТОнинг Шимолий Тақсимловчи Тармоғи таркибидаги сўнгги темир йўл тармоғининг жойлаштирилишидир. Бу тармоқ НАТОнинг Афғонистондаги ISAF қўшинлари учун мўлжалланган юклар ҳажми ошишини таъминлаб беради.

Ўзбекистон компания ва мутахассислари «Мозори Шариф — Кобул» йўналиши бўйлаб 11 кўприк қуришди ва Ер шарининг энг мураккаб тоғли ландшафтларидан бири орқали 275 милга тенг юқори кучланишли тармоқни, 150 мегаваттли электр энергиясини Термиздан Кобулгача узатишга қодир қурилишни якунига етказишмоқда. Бундан ташқари, «Uzbektelecom» ва «Afghan Telecom Corp.» оптика-толали алоқаларни ўрнатиш ҳамда Афғонистонни Интернет тармоғи билан таъминлаш тўғрисидаги битимга эга.

Юқорида кўрсатилган барча омиллар Ўзбекистоннинг Афғонистонни қайта тиклаш жараёнида фаол иштирокчи сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаганини билдиради. Лекин ушбу давлатда мавжуд қийинчиликларни ҳисобга олган ҳолда, муаммоларни комплекс равишда ҳал этишда янги реал ҳолатлардан келиб чиқилиши керак. Дунёнинг ҳеч бир мамлакати, ҳаттоки Америка Қўшма Штатлари ҳам бу муаммоларни якка ҳолда еча олмайди.

Тошкент Декларацияси имзоланганидан сўнг 10 йил ўтгач, Ўзбекистон дунёнинг қудратли ҳарбий-сиёсий ташкилоти афғон муаммосини ҳарбий ҳаракатларсиз бартараф этишда кенг жалб қилиниши керак, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон нуқтаи назарининг моҳияти шундан иборатки, НАТО нафақат ISAF ҳарбий топшириқларини муваффақиятли амалга ошириш, балки узоқ муддатли сиёсий йўлларни янги миллий келишув усуллари билан ҳал этиш мажбуриятини олади.

Ўзбекистон Афғонистон билан чегарадош давлатлардан бири ҳисобланган ҳолда, ушбу давлатни кўп йиллик можародан олиб чиқиш ва келгуси иқтисодий ўсишини таъминлаш борасида зарур ресурслар ҳамда амалий таклифларга эга. Шу сабабдан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг кенг қамровли ва ҳаётий «6+3» ташаббуси янада кенг халқаро ҳаракатлар учун пойдевор бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Охирги ўн йиллар давомида Ўзбекистон афғон муаммосининг ечимини топиш бўйича минтақавий саъй-ҳаракатларда етакчилик қилди. Вашингтонда муқобил таклифлар мавжуд бўлмаган бир шароитда Президент Ислом Каримовнинг ўз вақтида етарлича эътибор берилмаган ташаббуси жиддий кўриб чиқилишга энг муносиб ташаббусдир.

Жон ДЕЙЛИ.
Вашингтон шаҳри».

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

ИШОНЧ МАСЪУЛИЯТИ

Фозғонлик Тош ака адабиётга, шеъриятга ошуфта инсон. Халқ достонларини, мумтоз адабиётимиз дурдоналарини севиб мутолаа қилади.

– Дадам болалигимизда Навоий, Фузулий, Лутфий ғазалларини ўзгача меҳр-муҳаббат билан ўқир, бизга ҳам ёд олишимизни уқтирарди, – дейди Зоҳир ўзи улғайган оила, тарбия топган муҳит ҳақида ифтихор билан сўзларкан. – Ҳозир ҳам набираларига халқ оғзаки ижодидан намуналар, ғазал ва ривоятлар айтиб берадилар. Кўп йиллар мактабда оддий хизматчи бўлиб ишлаган, айни вақтда нафақада бўлса-да ҳамон адабиётга меҳри баланд.

Ўн икки йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилаётган Зоҳир Ҳамроев ўзи эътироф этганидек, илму адабиёт улуғланган хонадонда камолга етган. Зоҳир оилада иккинчи ўғил. Табиатан камгап, камсуқум йигит. 1990 йилда тумандаги 6-ўрта мактабни тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяркан, ички ишлар идоралари ходими бўлишга аҳд қилди. Ҳарбий хизматни ўтаб юрган кезларида соҳага бўлган иштиёқи янада ортди. Шу боис 1997 йилда ҳеч иккиланмай ички ишлар идораларида хизмат қилиш истагини билдирди. Дастлаб Навоий шаҳар ИИБ ЖТСБ профилактика бўлинмаси вояга етмаганлар иши бўйича инспектор лавозимида хизматни бошлади. Ҳамкасблари, соҳада «суяги қотган», тажрибали ходимлардан касб сир-асрорларини ўрганди.

– Бошқа соҳада бўлгани каби ички ишлар идораларида ҳам устоз-мураббийларнинг ўрни бениҳоя катта, – дейди у суҳбат чоғида. – Илк бор хизматни бошлаган вақтимда шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаган Рамазон ака Эловдан хизматга оид йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олиб касбий маҳоратни ошириш, қийинчиликларни чидам ва бардош билан енгишга ўргандим. Улар талабчан ва қаттиққўл раҳбар, кези келганда, ғамхўр, самимий, ёш ходимларга, айниқса, эътиборли эдилар. Касбга садоқат ва фуқаролар билан ишлашда эътиборли бўлишни улардан ўрганганман.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, эндиликда майор З. Ҳамроевнинг ўзи ҳам ёшларга устоз, мураббий. Йиллар давомида тўплаган бой хизмат тажрибаси, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида эгаллаган касбий кўникмаларини ёш ходимларга ўргатиб келмоқда.

Шу йил февраль ойининг охирларида ички ишлар бўлимига мурожаат қилган ғазғонлик фуқаро икки нафар юзига ниқоб тақкан номаълум шахс унинг хонадонига бостириб кириб, ов милтиғи билан қўрқитиб, пул талаб қилганлигини ва уй эгасининг фаол қаршилигидан сўнг воқеа жойидан яшринганлигини маълум қилган. Ушбу ҳолат юзасидан дарҳол тезкор қидирув ишлари бошлаб юборилди. Олинган маълумотлар асосида кўп ўтмай ушбу жиноятни содир этган шахслар аниқланди ва уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Худди шунингдек, вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ ходимлари билан ҳамкорликда олиб борилган «Қорадори» тадбири жараёнида Нурота шаҳрида яшовчи С. Ҳазратовнинг уйи текшириб кўрилганда, у томорқасида кўкнор ўсимлиги етиштираётганлиги аниқланди ва унга нисбатан тегишли чора кўрилди. Таъкидлаш лозимки, ҳар иккала ҳолатда ҳам жиноятни қисқа фурсатда фош этишда аҳоли билан яқин ҳамкорлик қўл келди.

Суҳбатимиз ўз-ўзидан аҳоли турмуш тарзи, шу жумладан, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширилган эзгу ишларга қаратилди. Маълумотларга қараганда, туманда 80 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш соҳасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Янги-янги иншоотлар, ободончилик ва эл маъмурчилиги йўлида қилинаётган хайрли тадбирларни кўриб, «Тинч элнинг боғи гуллар» деган ҳикматли ибора ёдга тушади.

Элим, юртим деб ёнибкуйиб хизмат қилаётганлар ҳамиша эл хизматига сазовор бўлишади. Ватанимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллик байрами муносабати билан Нурота тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Зоҳир Ҳамроев Президентимиз Фармонига мувофиқ, «Жасорат» медали билан тақдирланди.

Нигора РАҲИМОВА.
Навоий вилояти.

ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

ИБРАТ МАКТАБИ

Истеъфодаги подполковник Рустам Аҳроркуловни вилоятда яхши билишади. Чунки, жиноят қидирув хизматида ишлаб, юртдошларининг осойишталигини таъминлади. Уларнинг дуосини олди.

Рустамжон Жиззах туманидаги Совунгарлик маҳалласида таваллуд топди. Унинг болалиги анча қийинчилик билан ўтди. Ўгай отаси уни тинмай меҳнат қилишга мажбур этарди. Шундай шароитга қарамай, мактабни фақат аъло баҳоларга битирди. Сўнгра Тошкент Давлат педагогика институтига ўқишга кирди. Диплом олиб қайтгач, Дўстлик туманидаги 1-ўрта мактабда икки йил дарс берди, кейинчалик ҳарбий хизматни ўтади.

Она юртга қайтганидан сўнг йўлланма билан Жиззах вилояти ИИБга ишга юборилди. Рустамдан қайси соҳа сизни қизиқтиради деб сўралганда, у тезкор вакил лавозимида хизмат қилмоқчи эканлигини айтди. Уни вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник Аҳмад Матлюбовнинг ҳузурига суҳбатга олиб киришганида ҳам шу қарорини айтди.

– Иш жараёнида устозим Аҳмад акадан кўп нарсани ўргандим, – деб эслайди Рустам Аҳроркулов. – Аҳмад Матлюбов ўта билимдон ва синчков, ўз соҳасининг устаси эдилар. Ҳар қандай вазиятда ҳам босиқ, етти ўлчаб бир кесадиган, мулоҳазали ва маданиятли раҳбар эдилар.

Жиззах вилояти таркибида Зарбдор тумани ташкил этилганда туман ИИБга ҳам малакали ходимлар зарур эди. Вилоят ИИБ раҳбарияти Р. Аҳроркуловни Зарбдор тумани ИИБга ишга юборди. Тезкор вакил Р. Аҳроркулов зиммасига туман ИИБ бошлиғи ўринбосари вазифасини бажариш ҳам юклатилди. Иш кўлами ҳам шунга яраша эди. Шу орада Рустам ИИВ Тошкент олий мактабини сиртдан битирди. Доимо содир этилган жиноятни ўз вақтида «иссиғида» фош этишга ҳаракат қилди.

... Бу воқеага анча йиллар бўлди. Ёз кунлари эди. Ярим тунда телефон устма-уст жиринглаб қолди. Навбатчи Зарбдор шаҳарчаси Оқбулоқ кўчасида жойлашган 25-сонли кўчма механизациялашган жамланманинг ишчилар ётоқхонасида Николай исмли ашаддий жиноятчи тўрт яшар ўгай қизини ўлдираётганлигини, участка инспектори Собир Эргашев ва бўлим навбатчи-ёрдамчиси Ҳотам Шойзоқовлар нима чора кўришни билмай, ёрдам сўрашаётганлигини билдирди. Р. Аҳроркулов воқеа жойига етиб борганда ишчилар ётоқхонаси атрофида одам гавжум, барчаси ҳаяжон ва таҳликада.

Тезкор вакил чироқ ёруғи тушиб турган деразадан мўралади. Илгари бир неча маротаба жиноят содир этиб, қамалиб чиққан ва суд

томонидан ўта хавфли рецидивист, деб тан олинган Николай тўрт яшар ўгай қизининг баданини пичоқ билан жароҳатлаганди. Ҳаммаёғи қонга бўялган қизча жонҳолатда чинқириб ётибди. Николай эса ҳеч кимни яқин келтирмайди, хонани ичкаридан маҳкамлаб олган.

Николай гиёҳвандлик модда истеъмол қилиб олиб, мутлақо одам қиёфасидан чиққан эди. У қизча ўрнига хотинини алмаштиришни, хотинини эса сўзсиз ўлдиришини шарт қилиб қўйган эди.

Бундай оғир вазиятда Р. Аҳроркулов қатъий қарор қабул қилди. У Ҳотам Шойзоқов ва Собир Эргашевга йўлак орқали бориб, эшик олдида кутиб туришларини буюрди, ўқ отилганидан кейин ичкарига бостириб киришга келишилди. Ташқаридан Николайнинг белидан юқориси кўринарди. Рустам Николайнинг елкасини нишонга олиб, тўппонча тепкисини босди. Қизча жиноятчининг қўлидан отилиб кетди. Николай яродор шер каби қўлида пичоқ билан қизчага талпинди. Р. Аҳроркуловнинг асосий мақсади қандай бўлмасин қизчани қутқариб қолиш эди. Ташқаридан Собир Эргашев ва Ҳотам Шойзоқов эшикни синдириб ичкарига отилиб киришди. Улардан бири яралангандан кейин ҳам стол тагига яшириниб олган қизча томон судралиб бораётган Николайнинг қўлидаги пичоқни тепиб юборди. Қизалоқни қутқаришди.

Р. Аҳроркулов вилоят ИИБ ЖКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, нафақага чиқишдан олдин ЖҚБ бўлим бошлиғи лавозимларида хизмат қилди. У жиноятларни фош этишда фақат тезкор амалиётга таяниб қолмай, балки аҳоли, жамоатчилик билан яқин алоқада бўлди, уларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олди. Рустам Аҳроркулов узоқ йиллар жиноят қидирув соҳасида самарали хизмат қилди.

– Энг асосийси, эл-юрт олдида юзим ёруғ. Бу даражага етишишимда турмуш ўртоғим Муҳаббатхоннинг муносиб улуши бор, – дейди Р. Аҳроркулов. – Менинг ишимни тушунган, доимий равишда маънавий ва руҳан қўллаб-қувватлаб турган. Ишдан ярим кечалари келсам ҳам кулиб кутиб олар, эрталаб нонуштамни ҳозирлаб ишга кузатарди. Баъзан мен ИИБда, у эса туғруқхонада навбатчи бўлиб қолардик. Болалар у пайтда ёш эди. Уйга навбати билан телефон қилиб, уларнинг аҳволидан хабардор бўлиб турганмиз. Муҳаббатхон бирор марта ҳам менинг ишимдан, касбимдан нолимаган.

Истеъфодаги подполковник Рустам Аҳроркулов бугунги кунда бардам ва тетик. Ёш жиноят қидирув ходимларига мураббийлик қилади, маслаҳатларини аямайди, ҳаётий тажрибаларини ўргатишдан чарчамайди.

Маъмур НОСИР,
журналист.

СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

ИҚТИДОРЛИ ИЗҚУВАР

Вояга етмаган бир қизнинг номуси топталгани ҳақидаги хабар Бухоро шаҳар ИИБ ходимларини оёққа турғазди. Оилавий келишмовчилик сабабли уйидан бош олиб кетган қиз Тошкентдан Бухорога келиб қолади. Кутилмаганда бир номарднинг қўлига тушиб, хўрланади. Бахтли тасодиф туфайлигина унинг қўлидан чиқиб, ички ишлар бўлимига мурожаат этган эди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, жабрланувчи келтирган далиллар асосида суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Қизнинг юзидаги тирналгандан қолган жароҳат катта тезкор вакил, майор Адиз Алиевнинг эътиборини тортди. Жабрланувчининг айтишича, зўравон юзига тарсаки туширганда қўлидаги узуги юзига қаттиқ тегиб, қонаган экан. Қизнинг тасвири бўйича гумондорнинг фотороботи тайёрланди. Орадан икки кун ўтгач, ичиб олиб жанжал чиқарган 25 ёшлар атрофидаги йигитни ички ишлар бўлимига олиб келишди. Унинг навбатчилик қисмида шовқин кўтараётганини эшитган майор А. Алиев дарҳол ўша томонга борди. "У гумонланувчи бўлиши ҳам мумкин." Унинг миясига келган бу фикр бежиз эмас эди. Изқувар ғирт маст йигитнинг юзига тикилганда бунга амин бўлди. Унинг юзи тирналиб, қашқа бўлган, кўзлари қизариб кетган, қўлида эса қон қотиб қолган узук бор эди. 15 яшар жабрланувчи ўзини бадном этган кимсани бир кўришда таниди. Шундай қилиб ушбу жиноят «иссиқ изида» фош этилди.

Адиз ички ишлар идораларида хизмат қилиб, ота касбини давом эттиришни хаёлига ҳам келтирмаганди. Шунинг учун ҳам ўрта мактабни тугатгач, Бухоро Давлат университетининг хорижий тиллар факультетига ўқишга кирди. У Бухоро аэропортида ишлаб, сайёҳлар билан мулоқотда бўлаётган онаси Маҳбуба опанинг касбига ҳавас қиларди. Лекин университетни тугатаётган Адизнинг кутилмаганда нияти ўзгариб қолди. 25 йил ички ишлар идораларида самарали хизмат қилиб, нафақага чиққан падари бузруквори, истеъфодаги полковник Асқар Алиевнинг изидан боришни Аллоҳ юрагига солдими ёки ота касбини ҳақиқий йигитнинг иши деб билдими, Адиз ички ишлар соҳасида ишлашга аҳд қилди. Олийгоҳни тугатгач, Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда йигитлик бурчини ўтаб қайтди. 1999 йилда танлов асосида ички ишлар идорасига ишга кириб, Фарғонадаги бошланғич тайёрлов курсида таълим олди. У ердан қайтгач, Бухоро шаҳар ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори лавозимида хизматни бошлади. Айни пайтда ташкил этилган махсус жанговар отрядга қабул қилиниб, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини оширди. 2000 йилда Сурхондарёнинг Узун ва Сариосиё туманларида содир этилган террорчилик хуружларини бартараф этишда иштирок этиб, юрт осойишталигини таъминлашга муносиб улуш қўшди.

– Катта Киштут қишлоғида рўй берган воқеалар асло ёдимдан чиқмайди, – дейди майор А. Алиев. – Ҳаёт қадрини, Ватанга садоқат, меҳр-муҳаббат туйғуларини ўшанда чуқур ҳис этганман. 40 кун мобайнида Тожикистон билан чегара ҳудудларда Ватанни ҳимоя қилганмиз. Истиқлол, юрт мустақиллиги йўлида мард ўғлонларимиз фидойилик кўрсатишди.

Хизмат сафари А. Алиев учун ҳақиқий тажриба мактаби бўлиб, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етишга ўргатди. Шундан сўнг вилоят ИИБда, кейинчалик Тўқимачилик тумани ИИБда турли лавозимларда ишлади. 2003 йилнинг ноябрь ойидан буён жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимида хизмат қилмоқда.

Катта тезкор вакил, майор А. Алиевнинг топқирлиги, ишга талабчанлик билан ёндашиши содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» очишда қўл келмоқда.

Содиқ ХАФИЗОВ,
подполковник.

Рўзигул ЙЎЛДОШЕВА,
ўз мухбиримиз.

Бухоро вилояти.

САҲИФАДА – ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

БУРЧГА САДОҚАТ БИЛАН

Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, турли соҳалардаги ислоҳотлар муваффақиятли кечишида Тошкент вилоятининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, вилоят ички ишлар идоралари ходимлари эришилаётган ютуқларни мустаҳкамлаш учун юрт осойишталигини асраш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни шараф билан бажаришаяпти. Бугунги кунда бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Абдумажид МУЛЛАЖОНОВ қуйидагиларни гапириб берди:

– Ўтган йиллар давомида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган мустақил юртимизда улкан ўзгаришлар рўй берди. Халқимиз онгу-шуурида мустақилликни мустаҳкамлашдек муқаддас туйғулар янада уйғунлашди. Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳукм сураётган тинчлик, юртдошларимиз кўнглидаги хотиржамлик энг улуғ неъмат эканлигини унутмаслигимиз, ҳар биримиз мана шу осойишта кунларнинг қадрига етишимиз, бир ёқадан бош чиқариб, ҳимоя қилмоғимиз лозим.

Шу боисдан, эл-юрт осойишталаги йўлида вазирлигимиз томонидан олдимизга қўйилган вазифалар ўз вақтида, сифатли бажаришга эътибор қаратганмиз. Вилоят ҳудудида барқарор вазиятни таъминлаш мақсадида соҳавий хизматлар вакиллари ва жамоатчилик ҳамкорлигида мунтазам равишда «Тозалаш–Антитеррор», «Турмуш», «Қорадори», «Орият», «Ўсмир», «Қалқон», «Қидирув», «Тун», «Спитамен», «Арсенал» каби кенг қамровли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни фош этишда бу каби тадбирлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Фикримиз исботи сифатида айтиш мумкинки, жорий йилнинг тўққиз ойида вилоят ҳудудида умумий жиноятлар сонининг сезиларли даражада пасайишига эришилди. Айниқса, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, босқинчилик, талончилик, товламачилик ва ўғирлик каби жиноятлар сони камайди. Жиноятларни фош этиш суръати яхшиланди.

Вилоятимизнинг тоғли ҳудудларида хизмат олиб борувчи жиноят қидирув бўлинмалари ходимлари эса ўз фаолиятлари давомида асосий эътиборни барқарор вазиятни издан чиқариш мақсадида бўлган бузғунчилар билан боғлиқ салбий кўринишлар тўғрисида тезкор маълумот олиш, чегара ҳудудлари орқали кириб келиши мумкин бўлган тақиқланган адабиётлар, қуроллароғ, ўқ-дорилар ва гиёҳвандлик моддаларини сақлаб қолишга қаратганлар.

Бундай вазифаларни сидқидилдан адо этиш ходимларимиздан аввало, юртга меҳр-муҳаббатли, касбига содиқ, қатъий интизомли ва юксак маънавият эгаси бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам тизимда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касбий ва жисмоний тайёргарлиги, ижтимоий-ҳуқуқий билимини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Белгиланган режа асосида вилоят «Динамо» спорт-соғломлаштириш мажмуасида спорт машғулотлари ўтказиб борилади. Бошқарма ШТБИХ қошидаги тест маркази ички ишлар идораларини билим савияси, дунёқараши, ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги юқори, ўз вазифасини виждонан бажаришга қодир номзодлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Ички ишлар ходими ўз хизмат бурчини ўтар экан, маънавий дунёқараши бой, юксак маданият эгаси сифатида бошқаларга ўрнак бўлиши зарур. Бу борада вилоят ИИБ бўлим ва бўлинмаларида мунтазам ўтказиб келинаётган Маърифат дарсларининг алоҳида ўрни бор. Бундай тадбирларга асосан олимлар, шоир ва ёзувчилар, маданият ва санъат намояндалари таклиф этилади. Бу дарслар кўпроқ маъруза ва баёнлардан ҳоли, очиқ мулоқот, баҳс-мунозара тарзида ташкил этилишига эътибор қаратилаяпти.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Бу пурҳикмат иборани ҳар биримиз ҳаётий шиоримиз, деб билишимиз лозим. Зеро, кечаги кунни унутмаслик, тарихга холис баҳо бериш ва асосийси, ёшларни буюк аждодларимиз жасорати руҳида тарбиялаш истиқболли келажак кафолати эканлигига шубҳа йўқ. Ички ишлар идораларининг ўтмиши ва бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи «Шон-шараф» музейи айнан шу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Жамоа орасида соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган фахрийларнинг бой ҳаётий тажрибаси ёшлар учун ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қиляпти. Вилоятнинг туман ва шаҳарларида авлодлар учрашувини ўтказиш анъанага айланган. Бундай тадбирларда кексаларимизнинг ўзлари меҳнат қилган даврни бугунги аҳвол билан таққослаб билдирган мулоҳазалари, панду-насиҳатлари эл осойишталиги йўлида хизмат қилишга астойдил бел боғлаган ёшларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшаяпти.

Ватан маҳалладан бошланади, дейди доно халқимиз. Ҳозирги кунда вилоятнинг мавжуд фуқаролар йиғинларида 314 та милиция таянч пункти бўлиб, профилактика инспекторлари маҳалла посбонлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда хизмат қилмоқдалар. Ҳудудлардаги «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларида эса икки минг нафардан зиёд маҳалла посбонлари фаолият кўрсатмоқда. Улар жойларда профилактика инспекторлари билан елкама-елка туриб, юрт осойишталиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга муносиб улуш қўшишаяпти. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 504 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Маълумки, мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида аҳамият берилаяпти. Вилоят ички ишлар бошқармаси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида имзоланган Келишув, Витим ва тадбирлар режасида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ишларини олиб бориш, шу мақсадда семинар, анжуман ва тренинглар ўтказиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш кўзда тутилган. Шаҳар ва туман ички ишлар идораларида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш, фуқароларни қабул қилиш хоналарида етарли шароит яратиш, шунингдек, «Ишонч телефонлари» орқали келиб тушаётган мурожаатларни ўрганиш жараёни, масъул раҳбарлар томонидан фуқароларни қабул қилиш жадвалларининг мавжудлиги, ариза ва шикоятларни белгиланган муддатда, холисона ва самарали кўриб чиқиш масалалари доимий диққат марказида.

Маълумки, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига кўра мамлакатимизда 2010 йилнинг 1 январидан эътиборан янги, эгаларининг биометрик маълумотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти жорий этилади. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш юзасидан ҳокимлик, ўзини ўзи бошқариш идоралари, корхоналар, ташкилотлар ҳамда ички ишлар идораларига бир қатор вазифалар юклатилган. Ишлаб чиқилган кенг қамровли тадбирлар режасига асосан ИИБ тегишли хизматларининг малакали ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, уларга аниқ вазифалар белгилаб берилди. Гуруҳ томонидан 2010 йилдан кечиктирмай эгаларининг шахсий биометрик параметрлари ва белгиланган маълумотлари ҳақида электрон ахборот жамланган ҳамда юқори ҳимоя даражасига эга фуқаролик паспортларининг жорий этилишини таъминлаш, биометрик паспортларни марказлашган ҳолда тайёрлаш ва уларнинг ҳисобини самарали юритиш, фуқароларга мазкур паспортларни босқичма-босқич бериш каби вазифаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Тошкент вилояти қўшни давлатлар билан чегарадош ҳудуд ҳисобланади. Шу боис ҳам товар-моддий бойликларнинг четдан ноқонуний равишда юртимиз ҳудудига кириб келишининг олдини олиш ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг тегишли ҳужжатларсиз қўшни мамлакатларга олиб ўтилишига қарши кураш борасида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг ўтган даврида 518 та ана шундай ҳолат аниқланиб, 492 киши маъмурий жавобгарликка тортилди, 26 нафарига нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди. Қонунбузарлардан жами 1250,5 млн. сўмлик ноқонуний товар-моддий бойликлар олинди.

Оҳангарон шаҳрида ўтказилган тадбир жараёнида фуқаро Р. Сарвар бошқарувидаги «КамАЗ» русумли автомашина тўхтатиб текширилганда юкхонасида 11 тонна 160 кг. цемент маҳсулоти тегишли ҳужжатсиз олиб кетилаётгани маълум бўлди.

Янгийўл туманининг Чаманзор маҳалласида истиқомат қилувчи А. Шуҳрат гаражида чет элда ишлаб чиқарилган, умумий нархи тахминан 30 миллион сўм бўлган ҳар хил турдаги шоколадни ноқонуний равишда сақлаб келаётгани ошкор бўлди. Суриштирувлар чоғида бу маҳсулотлар Бекобод тумани Марказ маҳалласида яшовчи И. Зайнабга тегишли эканлиги, уларни қўшни Тожикистон Республикасидан айланма йўллар орқали олиб ўтганлиги аниқланди.

Сўнгги пайтларда кўп учраётган жиноятлардан бири бу фирибгарлик десак, муболаға бўлмайди. Ўзгалар ишончидан ғараз мақсадларда фойдаланувчи бу тоифа шахслар қонунга чап бериш мақсадида ҳар қандай найрангларни ишлатишмасин, алал-оқибат қилмишларига яраша жазо олишлари тайин.

Оҳангарон шаҳар ИИБга фуқаро Ч. Пўлатов ариза билан мурожаат этиб, Ойбек исмли шахс унга заводдан цемент олиб беришни ваъда қилиб, 20 миллион сўм пулини олгани ва изсиз ғойиб бўлганини баён қилади. Олиб борилган тезкор қидирув ва суриштирувлар натижасида ушбу жиноятни М. Шуҳрат, М. Мирзиёд ва муқаддам судланган М. Зиёдулла олдиндан пухта ўйланган режа асосида амалга оширгани фош этилди. Фирибгарлик йўли билан олинган пуллар эгасига қайтарилди.

Бугун дунё халқлари тараққий этиб, жаҳон афкор оммаси глобаллашув жараёнини бошдан кечираётган бир пайтда гиёҳвандлик балоси ҳар бир кишини янада ҳушёр бўлишга ундамоқда. Бу иллатга қарши кураш мақсадида вилоят ИИБ ходимлари томонидан бир қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, жойларда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Бунда наркотик моддалар билан ноқонуний равишда муомала қилиш, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш, сақлаш, сотиш ҳам жиноят эканлиги уқтирилмоқда.

Яқинда Чиноз туманида ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Самарқанд маҳалласида яшовчи нафақадор А.Қ. нинг уйи кўздан кечирилганда меҳмонхонасида 19 кг. 747,7 гр, ётоқхонасида эса 71,5 гр. кўкнори пояси ва бошоқлари сақланаётгани маълум бўлди.

Ўтказилаётган профилактик тадбирларга қарамай, айрим шахслар мўмай даромад илинжида заҳри қотилни сотиш ва ўтказиш билан ҳам шуғулланаётир. 2009 йил 4 октябрь куни Чирчиқ шаҳридан Алишер Навоий номли шоҳкўча бўйлаб пойтахт томонга ҳаракатланаётган «ИЖ» русумли автомобиль йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан тўхтатилиб, ҳайдовчидан автомобилни бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат сўралганда у ҳеч нарса кўрсата олмади. Шу пайт машина салонидаги йўловчилардан бирининг ёнидаги сумка ходимларда шубҳа уйғотди. У очиб кўрилганда ичидан 9,5 кг.га яқин героин чиқди. Вилоят ИИБ ЙҲХБ ЙПХ батальони алоҳида махсус отряди ЙПХ катта инспектори, катта сержант Шарофитдин Миннаров ҳамда ЙПХ инспектори, кичик сержант Дилмурод Жалилбоевнинг тезкор ва синчков ҳаракатлари туфайли гиёҳвандлик моддаси ушлаб қолинди.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ходимларимиз хизматни ташкил этишда бор билим ва тажрибасига таяниб, бурчларига содиқ ҳолда иш кўришаяпти. Ўтган йиллар давомида вилоят ички ишлар идораларининг саксон нафарга яқин ходими давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани ҳам бунинг яққол исботидир.

Суҳбатдош Хуршид РЎЗИЕВ.

Суратларда: *вилоят ИИБ ҳаётидан лавҳалар.*

Муаллиф олган суратлар.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Янгиликка интилиб яшаш — тараққиёт гарови.
Ислом КАРИМОВ.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

– Мен жорий йилнинг 3 декабрида 18 ёшга тўламан. Сайловда овоз бера оламанми?

– Ҳа. Кўп Мамлакатларда сайловда сайлаш ҳуқуқи 18 ёш этиб белгиланган. Сайловга оид миллий қонунчилигимиз меъёрларининг эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, уларда сайловнинг умумэътироф этилган демократик принциплари акс этган.

Сайловга оид қонунчилигимизда умумий сайлов ҳуқуқи, яъни 18 ёшга тўлган, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқига халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 21 ёшга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига эса 25 ёшга тўлган фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги, тенг сайлов ҳуқуқи, яъни фуқароларнинг сайловларда тенглик асосида иштирок этиши ва ҳар бир сайловчи бир овозга эга бўлиши, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, яъни депутатларнинг фуқаролар томонидан бевосита сайланиши ва яширин овоз бериш принциплари мустаҳкамланган.

– Сайловда кимлар қатнашиш ҳуқуқига эга?

– Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида ҳам сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Халқаро нормаларда ҳам ҳар бир фуқаронинг даврий сайловларда овоз бериш ва сайланиш ҳуқуқи кафолатланган.

– Хорижий мамлакатларда яшаётган, сафарга кетган фуқароларимиз ҳам сайловда қатнаша оладиларми?

– Сайлов қонунчилигимизга кўра сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар сайловларда бевосита қатнашишлари кафолатланган. Ҳаттоки хорижий мамлакатларда ҳозир бўлган фуқароларимиз учун ўша давлатдаги дипломатик ваколатхоналаримизда овоз бериш имконияти, шарт-шароитлар яратилади.

Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида сайлов участкалари тузилиши мумкин. Бу сайлов участкалари ўзлари жойлашган ердаги сайлов округларига киради. Ўзбекистондан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини сайлов округига бириктириш тўғрисидаги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Акрам ЖУМАЕВ жавоб берди.

Маълумки, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2009 йил 9 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди. Хўш, бу Қонунга асосан жиноят кодексининг мазкур моддасига қандай ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, деган ҳақли савол туғилади. Мазкур Қонунга асосан амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 227-моддасининг номи ва диспозициясига қўшимчалар киритилиб, ўзгартирилди.

Хўш, Жиноят кодексининг 227-моддаси «Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш» деб номланар эди. Янги қабул қилинган Қонунга асосан ушбу модда номи «Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш» деб ўзгартирилди, яъни «автомототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини» деган жумла қўшилди.

Мазкур модданинг диспозициясига «Шунингдек, автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини» деган жумла киритилди ва «Корхоналар, муассасалар ёки ташкилотларнинг қатъий ҳисобидаги ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, шунингдек, автомототранспорт воситаларининг ва улар тиркамаларининг (ярим тиркамаларининг) давлат рақам белгиларини эгаллаш, худди шунингдек, уларни нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилган бўлса» деб ўзгартирилди. Қонуннинг қабул қилишдан мақсад нима эди, деган саволга қуйидаги жавоб бериш мумкин.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қуйидаги мақсадларни кўзлаб қабул қилинган:

биринчидан, автомототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаганлик, нобуд қилганлик, шикаст етказганлик ёки яширганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш орқали амалдаги жиноят қонунчилигидаги камчилик (бўшлиқ)ни бартараф этиш;

АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ВА ДАВЛАТ РАҚАМИ

уни ноқонуний эгаллаб олиш, нобуд қилиш, шикаст етказиш ёки яширишга оид жиноятларнинг ҳуқуқий оқибатлари

иккинчидан, юридик шахслар (корхона, муассаса ва ташкилотлар) ва жисмоний шахслар (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) ўз мулкига, яъни автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)га нисбатан ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

учинчидан, Ўзбекистон ҳудудига четдан олиб кирилган ёки юртимизда ишлаб чиқарилган ҳамда мамлакатимизда яшовчи шахслар томонидан харид қилинган ҳар бир автомототранспорт воситасини тегишли давлат муассасалари томонидан рўйхатга олинишини ва уларга давлат рақам белгилари берилишини, шунингдек, автомототранспорт воситаларига берилган давлат рақам белгиларини қайд этиш, юритиш ва сақлашнинг амалдаги тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилинишини таъминлаш;

тўртинчидан, автомототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаш, нобуд қилиш, шикаст етказиш ва яшириш билан боғлиқ жиноятларни, шунингдек ўзга автомототранспорт воситаларига тегишли давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаб, бошқа оғир жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, содир этилганлари тезкор очилишини ва айбдорларнинг тегишли жиноий жазога тортилишини таъминлаш;

бешинчидан, юридик шахслар ва фуқароларнинг ўз автомототранспорт воситалари давлат рақам белгиларига нисбатан масъулиятини ошириш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ўтказилган ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлилларидан маълум бўлишича, 2006-2008 йиллар мобайнида автомототранспорт воситалари давлат рақами белгиларининг ғайриқонуний равишда эгалланиши билан боғлиқ 4,3 мингта ҳолат, шу жумладан, 2006 йилда 1,3 минг, 2007 йилда 1,4 минг ва 2008 йилда эса 1,5 мингта ҳолат қайд этилган. Бу рақамлар автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) давлат рақам белгиларининг йўқотилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг камаймаётганлигини кўрсатади.

Ушбу ҳолатлар ўрганиб чиқилганида, автомототранспорт воситаларига тегишли техник паспорт, лицензия, ишончнома ва гувоҳнома каби ички ишлар идораларида қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатларни ноқонуний эгаллаганлик, нобуд қилганлик, шикаст етказганлик ёки яширганлик амалдаги Жиноят кодексининг 227-моддасида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқарар эди. Лекин автомототранспортнинг давлат рақам белгисини ноқонуний эгаллаганлик, нобуд қилганлик, шикаст етказганлик ёки яширганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли шу каби ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар жавобгарликка тортилмай қоларди. Янги Қонун қабул қилиниши билан амалдаги жиноят қонунчилигидаги мавжуд бўшлиқ бартараф этилди.

Хорижий давлатларнинг автомототранспорт воситалари давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаш билан боғлиқ жиноят қонунчилиги ўрганиб чиқилганида, Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси Жиноят кодексларининг 326 ва 381-моддаларида «Транспорт воситаларининг идентификацион рақамларини қалбакилаштирганлик ва йўқ қилганлик» учун, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 325-моддасида «Транспорт воситалари давлат рақамларини қалбакилаштирганлик, ўтказганлик ва фойдаланганлик» учун жиноий жавобгарликлар белгиланганлигининг гувоҳи бўламиз.

Таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда автомототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини ноқонуний эгаллаганлик, нобуд қилганлик, шикаст етказганлик ёки яширганлик билан боғлиқ жиноий ҳодисалар содир этилишининг олдини олишга, юридик ва жисмоний шахсларнинг автомототранспорт воситаларига нисбатан мулк ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, автомототранспорт воситаларига берилган давлат рақам белгиларини қайд этиш, юритиш ва сақлашнинг амалдаги тартиб-қоидаларига тўлиқ амал қилинишига, юридик шахслар ва фуқароларнинг ўз автомототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларига нисбатан масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ўктам ҲАМРОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

ЯНГИ НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар ва Молия вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қарорига биноан ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва Сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.

Ўқишни тамомлаган ва ҳарбий хизматни ўташ ҳақидаги янги шартномани имзолаган ҳарбий хизматчилар, шартнома талабларини бажармаганлиги ёки содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этилиши сабабли шартномада кўрсатилган муддатдан илгари захирага бўшатилса, ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини қоплашлари керак. Низомда ўқитишга сарфланган бюджет маблағлари ундирилмайдиган ҳолатлар ҳам белгиланган. Олий ҳарбий таълим муассасасини тамомлаган ва 5 йил давомида ҳарбий хизматни ўтаган ҳарбий хизматчи уларни ундиришдан озод этилади. Ўқишни тамомлагач, шартнома тузмасдан ҳарбий хизматни ўтаган ва 2006 йилнинг 1 сентябригача захирага бўшатилган ҳарбий хизматчилар ҳам бюджет маблағларини тўлашдан озод этиладилар.

Олий ҳарбий таълим муассасасида ўқиш учун ундириладиган маблағлар ҳажми энг кам иш ҳақининг 270 бараваридан 430 бараваригача бўлган суммани ташкил этади (ўқиш муддатидан ва муддатли ҳарбий хизматни ўтаганлик ёки ўтамаганликдан келиб чиқиб), Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиш учун эса – унинг захирага бўшатилган вақтида қонунда белгиланган энг кам иш ҳақининг 40 бараварига тенг даражада ундирилади. Ўқиш учун сарфланган бюджет маблағларини қайтармаган шахсларга кейинчалик ишга жойлашиш учун дипломнинг вақтинчалик берилмаслик сабаблари кўрсатилган ва олий маълумотга эга эканлиги тўғрисида маълумотнома ҳамда ўзлаштирган ўқув фанлари рўйхати, уларнинг ҳажми ва баҳолари қайд қилинган диплом иловасидан кўчирма берилади.

Янги Низом 2009 йил 6 ноябрдан кучга кирди.

ПИВО СОТИШ УЧУН МАСОФА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 октябрдаги «Пивони чакана сотишни тартибга солишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарорига биноан 2009 йил 1 ноябрдан бошлаб таълим муассасалари ва диний ташкилотлардан камида 500 метр радиусда жойлашган савдо объектлари орқали пивони чакана сотиш тақиқланади. Ушбу талабга риоя қилмаслик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади.

Давлат солиқ қўмитасига алкоголли ва кучсиз алкоголли ичимликлар, шу жумладан, пивони чакана сотиш қоидаларига риоя қилиниши устидан назоратни қатъийлаштириш ҳамда қоидаларни бузишга йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таъсирчан чоралар кўриш вазифаси топширилган.

Ички ишлар идоралари ходимлари, хусусан, профилактика инспекторлари ҳам буни эътибордан четда қолдирмасликлари зарур.

2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

ҲАР БИРИНИНГ ҲИССАСИ БОР

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, жорий йилда Сирдарё туманидаги ўн иккита маҳаллада, жумладан, профилактика инспекторлари, майор Раҳим Отаев, капитанлар Тоҳир Юнусов ва Абдухолиқ Болбеков хизмат қилаётган ҳудудларда жиноят содир этилмади. Бунда биринчи галда ички ишлар ходимларининг қишлоқ, маҳалла фаоллари, умуман фуқаролар билан ҳамкорлиги, ҳамжиҳатлиги асосий ўрин эгаллайди, албатта.

Суратда: ***профилактика инспекторлари, катта лейтенантлар Умид Сувонқулов (чапдан) ва Алижон Элибоев маҳалла фаоли Одилжон Мелиев ҳамда посбон Умид Избосдиев билан навбатдаги режалар ҳақида суҳбатлашишяпти.***

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Ҳудудда бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодисалардан воқиф бўлиш, бирбирини хабардор қилиш, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика инспекторлари билан қишлоқ, маҳалла фаолларининг одатига айланган. Шу боис ҳам бу ҳудудларда жиноятчиликка йўл қўйилмаяпти. Аниқроғи, содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олиняпти. Йилдан-йилга ана шундай маҳаллалар сони кўпайиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда профилактика инспекторларининг қишлоқ, маҳаллалар ободончилигига катта ҳисса қўшаётганларини ҳам айтиб ўтса арзийди. Кейинги йилларда тумандаги мавжуд ўн тўртта милиция таянч пунктлари тўлиқ таъмирланди, қўшимча хоналар қурилиб, жиҳозланди. Ҳар бир милиция таянч пункти атрофида инфратузилманинг яратилиши жойларда қўшимча иш жойлари очилиб, фуқароларни муқим иш билан таъминланишига, футбол, волейбол ва машқ майдонларининг ташкил этилиши эса болалар ва ўсмирларнинг спорт билан шуғулланишларига омил бўлди.

Ҳудудларни ободонлаштиришда ички ишлар ходимлари, хусусан, профилактика инспекторлари бош-қош бўлишаётгани ҳам эътироф этиляпти. Тумандаги Ҳақиқат маҳалласидаги катта йўл жорий таъмирланди, кўча бўйларидаги қуриган дарахтлар кесиб ташланиб, мевали манзарали дарахт ниҳоллари билан тўлдирилди.

– Профилактика инспекторлари, катта лейтенантлар Умид Сувонқулов ва Алижон Элибоевнинг ташаббуси билан ташландиқ, овлоқ жойлар назоратга олинди, – дейди маҳалла фаолларидан Одилжон Мелиев. – Бу бежиз эмас, албатта. Ўсмир, ёшлар тўпланишиб, бекорчиликда ножўя ишларга қўл уриши мумкин. Шу боисда, бу жойларни ободонлаштириб, дарахт экиб қўйишни режалаштирдик. Бу ўз самарасини бермоқда, албатта.

Тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган жойда кишилар хотиржам меҳнат қилади. Профилактика инспекторларимиз жойларда фаоллар билан ҳамкор, ҳамжиҳатликда хизмат қилиб, осойишталикни таъминлашяпти. Биргаликда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар боис жиноятчилик тобора камайиб бормоқда.

Акром ЭРНАЗАРОВ,
капитан.

Сирдарё вилояти.

ЙЎЛ ҚОИДАСИ – УМР ФОЙДАСИ

ҲАЙДОВЧИ МАСТ ЭДИ...

Тўрткўл тумани Шўрохон овулидаги иккита хонадонда турли сабаблар билан уюштирилган зиёфатга меҳмонлар ташриф буюришди. Улар орасида 36 ёшни қаршилаган Қодир (исмлар ўзгартирилди) тўйгунча ароқ ичди. «Ой-куни» яқинлашиб қолган хотини «узоққа кетманг, тўлғоқ тутиб қолиши мумкин» дея ялиниб-ёлворишига қулоқ солмай бошқа бир хонадондаги зиёфатга шахсий машинасида келган Зафар ҳам кетма-кет пиёлани бўшатиб турди.

Ярим тунда Қодир гандираклаганча уйига қайтди. Катта йўлга чиққанида эса оёғида туролмай, туртиниб-суртиниб йиқилди. Ундан кейинроқ Зафар «Жигули»сига ўтирди ва сал ўтмай тезликни оширди. У йўлнинг ҳаракат қисмида ётган одамни аранг англади, бироқ катта тезликда бораётган машина измига бўйсунмади. Оқибатда машина Қодирни босиб ўтди. Бошидан ҳуши учган Зафар жабрдийдага ёрдам бериш ўрнига «қуён» бўлишни маъқул кўрди. У уйига келганида хотинини тўлғоқ тутаётган эди. Бу ҳолат жиноятни яширишда қўл келишини ўйлаган Зафар таниши Русланга машинани ҳайдатиб, Тўрткўл эмас, Бўстон шаҳридаги туғруқхонага йўл олди.

Икки қиздан кейин ўғил фарзанд кўрганидан қувониб кетган Зафар шу ернинг ўзида танишлар топиб, зиёфатни бошлаб юборди. Бўлиб ўтган воқеадан кейин унинг кўнглига яна вақтичоғлик сиққани кишини ҳайрон қолдиради. Зафар гап орасида тасодифан йўлда одам уриб юборганини айтиб қўйди. Ширакайф улфатлар буни мастликка йўйиб, кулиб қўяқолишди.

Тўрткўл тумани ИИБ ЙҲХБ бошлиғи, майор Баҳром Худойберганов ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЙҲХБ 2-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ инспектори, лейтенант Даврон Шарипов юқорида қайд этиб ўтилган йўл-транспорт ҳодисаси бўйича тезкор суриштирувлар олиб боришаётган эди. Аввал зиёфат бўлиб ўтган ҳар иккала хонадонга ташриф буюрган меҳмонлар ва уларнинг автомобиллари назоратдан ўтказилди. Дастлаб олдинги ўнг томони бироз лат еган «Нексия» русумли машина уларда шубҳа уйғотди. Чунки қон излари ва жасад ҳам айнан йўлнинг ўнг томонида эди. Машинанинг пастки қисми текшириб кўрилгач, шубҳага ўрин қолмади, чунки у ердан воқеага алоқадор биронта из топилмади. Ҳайдовчи машинасини эҳтиётсизлик оқибатида йўл четидаги дарахтга урганини маълум қилди.

Навбатдаги шубҳа «Жигули»га тушди. Ходимлар Зафарнинг уйига боришганда машина дарвоза олдида турарди. Майор Баҳром Худойберганов уни гапга тутди. Аммо Зафар сир бой бермай, кечаги зиёфатга бормагани, хотинини Элликқалъадаги туғруқхонага олиб боргани, машинани таниши Руслан ҳайдаганини бамайлихотир гапириб берди. Бу пайтда машинанинг пастки қисмини кўздан кечирган лейтенант Даврон Шарипов раҳбарига маъноли қараб қўйди. Майор Баҳром Худойберганов унинг нигоҳидаги сирни уқди. Ходимлар машинани ички ишлар бўлимига олиб кетмоқчи бўлишганда Зафарнинг отаси:

– Балки адашаётгандирсизлар, одатда бундай ҳолатда кўпроқ катта машиналар изланарди, – деди.

Майор Баҳром Худойберганов Шариф аканинг қишлоқда обрўли одамлардан бири эканлиги ва унинг изтиробини яхши тушуниб турарди. Шу боис ортиқча гапирмади.

– Хизматчилик, хафа бўлмайсиз, – деди у қисқагина.

Бўлимга олиб келинган «Жигули» эксперт-криминалистлар томонидан текшириб кўрилганда, унинг остки қисмидан марҳумга тегишли қон доғлари, кийим бўлаклари ва соч толалари топилди. Жавобгарликдан қўрққан Зафар яна номардлик йўлига ўтиб, айбни Русланга ағдарди. Ярим тунда уйқуси бузилишига қарамай хизмат қилган йигитга раҳмат эшитиш ўрнига туҳмат тоши отилгани оғир ботди. Аммо ашёвий далиллар ва гувоҳларнинг кўргазмалари олдида Зафар бош кўтаролмай қолди. Ички ишлар ходимларининг тунни тонгга улаб қилган машаққатли меҳнати эвазига содир этилган жиноят изи совимай очилди.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ,
ўз мухбиримиз.

Қорақалпоғистон Республикаси.

ТАДОРИК

МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Маълумки, 2009 йил 23 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика иқтисодиёти тармоқларида 2009/2010 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида бошқа хизмат тармоқлари қатори республика Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз» Давлат акциядорлик компаниялари, «Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси ҳамда «Ўздавнефтгазинспекцияси» томонидан иш режаси ишлаб чиқилиб, жойларга ижро учун юборилганди. Орадан муайян вақт ўтди. Хўш, ушбу режа қандай бажарилмоқда? Қолаверса, халқ хўжалиги масканлари, айниқса, аҳоли турар жойларида газ ва электр қувватидан қонуний фойдаланишни таъминлашга қаратилган қандай тадбирлар амалга оширилди? Шу каби саволлар шубҳасиз, ҳар бир кишининг хаёлидан ўтиши табиий.

Бугунги кунда газ ёқилғиси ва электр қувватидан фойдаланиш жараёнида келиб чиқадиган ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш долзарб вазифага айлангани ҳеч кимга сир эмас. Шунга кўра кузги-қишки мавсумда хонадонларни иситиш ва ёритиш тармоқларининг узлуксиз ишлаши юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Бу борадаги маълумотларни умумлаштириш ва таҳлил этиш мақсадида республика ИИВ ЁХББ ва унинг вилоятлардаги бошқармалари қошида тезкор штаблар тузилди. Шаҳар ва туманлардаги ҳар бир маҳаллага Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилиб, фуқароларга газ ва электр қувватидан фойдаланишнинг қонуний асослари тушунтириб борилмоқда. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, профилактика инспекторлари, газ ва электр таъминоти идоралари, Давлат инспекциялари вакилларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, улар томонидан 7 мингтадан ортиқ рейд-текширувлар ўтказилди.

Текширувлар давомида салкам тўрт минг маротаба носоз газ ускунаси, уч минг маротабага яқин ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда резина ичакларни қўллаш, 236 маротаба табиий газдан, беш мингтага яқин носоз дудбуронлар, беш мингтага яқин носоз электр тармоқлари ва 326 маротаба электр қувватидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Йўл қўйилган камчиликларни бартараф этмаганлиги учун тўрт минг нафардан ортиқ фуқаро ва мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланилди. Икки мингтадан ортиқ носоз газ ва электр ускуналари манбалардан узиб қўйилди.

Булардан ташқари, таълим-тарбия муассасалари, Меҳрибонлик уйлари ҳамда шифо масканларида ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказилди. Газ тақсимлаш ва электр қуввати узатиш подстанцияларининг ҳолати ҳам текшириб чиқилди. Маҳаллаларда кузги-қишки мавсумни бахтсиз ҳодисаларсиз ўтказиш ҳамда хонадонларда носоз техник воситалардан фойдаланишга йўл қўймаслик ҳақида суҳбатлар уюштирилди.

Амалга оширилган тадбирларнинг ўзиёқ қиш фасли нечоғли масъулиятли давр эканлигидан далолат бериб турибди. Шундай экан, ҳар бир корхона, ташкилот раҳбари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари, фуқаролар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга масъул эканликларини унутмасликлари зарур. Ўлкамизда қишнинг ёнғинларсиз ўтиши, унинг хонадонларга зийнат бахш этиши ҳар бир кишининг ўзига боғлиқ.

Улуғбек ВАФОЕВ,
капитан.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун

ҚЎЙ

Ҳар қандай ишда таваккал қилмасдан ички ҳиссиётга қулоқ тутиб, кейин қарор чиқаришни маслаҳат берамиз. Узоқ сафарларга чиқиш, хорижликлар билан мулоқотга киришиш учун қулай ҳафта бўлиши кутиляпти. Ҳафтанинг иккинчи ярми саргузаштларга бой бўлиши мумкин. Жуфтингизни топиш имкониятидан фойдаланишга ҳаракат қилинг. Шунчаки танишув ёки учрашув ҳам жиддий тус олиши мумкин.

СИГИР

Ҳафтанинг биринчи ярмини саломатликни сақлашга багишлашингиз мумкин. Шифокорга учраб даволанишни бошлашни маслаҳат берамиз. Расмий, шунингдек, ҳуқуқий масалаларни ҳал этишни кейинга қолдирганингиз маъқул. Мутаассиб бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Бу мавқеингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўжарлик, қайсарлик қилавериш ҳам ярамайди. Бу одатни ташлаш иш, турмушда яхши натижаларга йўл очишини унутманг.

ЭГИЗАКЛАР

Ҳафтанинг биринчи ярмида омад ёр бўлиши кутиляпти. Шахсий муносабатлар, алоқалар мустаҳкамланиши, барқарорлашиши мумкин. Янги танишлар, дўстлар билан учрашув кутилмоқда. Ишда кўнгилни хотиржам қилиш учун кучингиз етмаган, билмаган юмушингизга қўл урмаган маъқул. Ғийбат гапларга аралашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Сурункали касалликни даволатиш, саломатликни мустаҳкамлаш учун вақт ажратиш лозим.

ҚИСҚИЧБАҚА

Уй, юмушларини бажариш, саранжомлаш учун ҳафтанинг биринчи ярми қулайдир. Таъмирлаш, қайта қуриш, тозалаш ишларини кечиктирмаган маъқул. Ҳаяжонли ўйинлар, таваккал ишларда қатнашмай туришни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ортиқча сарф-харажат, исрофгарчиликка йўл қўйманг. Кўп пул талаб этадиган тадбирларни кейинга қолдиришга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН

Ҳафтанинг биринчи ярми ақлий меҳнат, ижодий ишлар ва севган машғулотингиз билан шуғулланиш учун қулай бўлади. Сизни дўстлар ва танишлар билан қизиқарли учрашувлар кутмоқда. Қариндош-уруғ, ота-она ва яқинлар билан келишмовчилик бўлишига йўл қўймай, босиқ бўлиш ва муросага келиш лозим. Оила анъаналарини давом эттириб, яхши тадбирлар ўтказишга бош-қош бўлиб, ўзаро муносабатларни яхшилашга, мустаҳкамлашга эришинг.

БОШОҚ

Турли миш-миш, ғийбатчиларга ишонавериш ярамайди. Атрофингиздаги кишилар ҳам пашшадан фил ясаб, сизни ишонтирмоқчи бўладилар. Бундан эҳтиёт бўлган маъқул. Уй олди-сотиси кўчмас мулк масалаларини ҳал этиш учун қулай ҳафта бўлиши кутилмоқда. Оила аъзолари, ота-она учун совға сотиб олиб, уларни хурсанд қилишни унутманг. Саёҳатга чиқсангиз, ҳамроҳингиздан эҳтиёт бўлинг, фирибгар, товламачидан ҳам четроқ юринг.

ТАРОЗИ

Ҳафтанинг биринчи ярми қисқа сайру саёҳат учун қулай. Ишбилармонлик юзасидан шартномалар тузиш, қўшма режалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишда омад кулиб боқиши мумкин. Кўнгилочар тадбирлар ўтказиш, қимматбаҳо буюмлар сотиб олишни кейинга қолдиришни маслаҳат берамиз. Молиявий масалаларни ҳал қилиш, тижорат лойиҳаларида иштирок этмаган, ишга доир масалаларни ортга сурган маъқул.

ЧАЁН

Шахсиятпарастлик, худбинлик каби салбий хислатларни қариндош, оила аъзоларига намоён этиш ярамайди. Ўз мавқеингизни ўйламасдан яқинларингизнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олишни унутманг. Маънавиятни юксалтириш, меҳр-мурувват кўрсатиш учун қулай имкониятлар туғилиши кутиляпти. Муҳтожларга моддий кўмак бериш нафақат обрў-эътиборни, бойлигингизнинг ҳам ошишига омил бўлиши табиий.

ЁЙ



Ҳафтанинг биринчи ярмида дўстларнинг ёқимли ва қизиқарли суҳбатидан баҳраманд бўласиз. Янги танишлар билан мулоқот қилиш имконияти ҳам туғилиши мумкин. Бу сиз учун ҳар томонлама фойдали, манфаатли бўлишини унутманг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида узоқ сафарлар омадли келади, деб бўлмайди. Яхшиси, сайру саёҳатга чиқмай турган маъқул. Узоқ қариндошдан хушхабар келиши кутилмоқда.

ТОҒ ЭЧКИСИ

Ижодий фаолият билан шуғулланадиганлар учун ҳафтанинг биринчи ярми қулайдир. Тадқиқот, тажриба ўтказиш ҳам омадли кечиши, бироқ моддий масала ва муаммолар ҳақида ўйлаш, режалаштириш кўнгилдагидек натижа бермаслиги мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида техник ва электр асбобларидан фойдаланишда эҳтиёткорлик талаб этилади. Таваккал ишлар, эҳтиросли ўйинлардан четроқ юрган маъқул.

ҚОВҒА

Билмаганни дўстлардан ўрганишга ҳаракат қилинг. Уларнинг тажрибаси, билими, иқтидори сизга ҳам қўл келиши мумкин. Ҳар бир маслаҳат, ўгитнинг мағзини чақиб, амалда қўллашга одатланган маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳуқуқий масалалар билан шуғулланиш ва зарур кўрсатмалар олишни кейинга қолдириш лозим бўлади. Баҳслашиш, келишиш, музокара ўтказишни ўрганиш зарурлигини эслатиб ўтамиз.

БАЛИҚ

Юлдузлар ҳафтанинг биринчи ярмида дадил бўлиб зарур қарорлар чиқариш маъқуллигидан дарак бермоқда. Албатта, қарорлар етти ўлчаб бир кес мақолига амал қилган ҳолда чиқарилиши керак. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишда ҳушёрроқ бўлиш талаб этилади. Қўлдан келмаган юмушга киришмаган маъқул. Ўқиш, билимни мустаҳкамлашда айрим муаммолар туғилиши мумкин. Бироқ билим олишга астойдил ҳаракат қилинг.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 16 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.10 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 - 9.40 «Маънавият дастури».
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Айёр қарға». М/ф.
10.10 ТВ - анонс.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 ТВ - анонс.
11.15 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
11.50 «Очун».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 Миллий кино: «Пари момо».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Ватанпарвар».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Европа - қитъа тарихи».
15.55 «Шарқ тароналари».
16.10 ТВ - анонс.
16.15 «Бир кун».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги олдидан. «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Боғаро».
18.55 ТВ - анонс.
19.00 «Менинг оилам».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Мен ёшликман».
21.45 ТВ - анонс.
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 «Шимол ва жануб». Б/ф. 1-қисм.
23.40 - 23.50 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «Ватанпарвар».
00.35 «Афросиёб афсонаси».
00.55 ТВ - анонс.
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Бир кун».
03.55 ТВ - анонс.
04.00 «Ахборот».
04.30 Миллий сериал: «Турмуш чорраҳаларида».
05.20 «Ўзбекистон табиати».
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Ҳаёт саҳифалари».
8.35 Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Самарқанд қовунлари».
8.55 «Конституция саҳифалари».
9.00 «Ҳаёт симфонияси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Оила – меҳр булоғи».
10.00 «ДАВР».
10.30 «Даврнинг боласи».
10.40 «Қувноқ дўмбоқчалар».
10.50 «Келажак эгалари».
11.00 «Илҳом қанотлари».
11.20 «Муъжизавий дунё».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Конституция менинг ҳаётимда».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Шарқ гавҳари».
13.50 «Тошкент таронаси».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Ранглар рақси».
15.40 «Умр баҳори».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Адабиёт дарси».
16.35 «Мультипанорама».
16.45 Физика дарси: «Муъжизалар олами».
17.00 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
17.20 «Нафосат олами».
17.30 «Салом-Намастэ». Б/ф. 1-қисм.
18.30 «Қорақалпоқ ёшлари».
18.50 «UzEX».
18.55 «Давлатимиз рамзлари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Соғлик – бойлик».
20.40 «Автопатруль».
21.00 «Ҳаётбахш наволар».
21.10 «Шерюрак». Т/с.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Таскин».
00.10 «Афсона ва ҳақиқат».
01.00 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Олтин шаҳар излаб». М/ф.
9.55 Мумтоз наволар.
10.00 «Анонс».
10.05 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Б/ф 1-2 қисмлар.
12.20 «Дунё ўзбек оператори нигоҳида. Франкфурт». Т/ф.
12.35 «Саргузаштлар ороли».
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс».
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Қақнус». Т/с 24-серия.
16.20 «Экспедиция». Х/ф.
17.00 «Денгиз итлари». М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 «Хуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 25-қисм (Премьера).
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Тошкентнинг илм масканлари».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Анонс».
18.55 «Мари Кюри». Т/с 1-қисм.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Саломат бўлинг!» (рус).
19.55 «Анонс».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Анонс».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Аёл қалби».
21.20 «Анонс».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25-23.55 «Дочь Махараджи». Х/ф 1-қисм.

«Sport»

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан, 16 ноябрь куни «Sport» телерадиоканали ўз кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.

18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Баркамол авлод».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 Қўл жанги бўйича Осиё очиқ чемпионати.
19.55 Бобслей. Кубок мира.
20.55 «Футбол шарҳи».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 Футбол. Отборочный матч Чемпионата.
мира. Ирландия - Франция.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
10.00 «Bollivud markazida»
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Крепкий орешек-4» худ.фильм
13.50 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 «Топ-10»
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ДЖОН ДОУ»
22.00 «С ГЛАЗ ДОЛОЙ, ИЗ ЧАРТА ВОН» худ.фильм
23.50 Миксер

«ЎзНТТ»

06.30 Мумтоз наволар
07:00 "Асрлар садоси"
07:30 "Парламент соати"
07:50 "Бизнес репорт"
08:00 "Буни ҳаёт дейдилар"
08:30 "Сўғдиёна"
08:50 Тонгги наволар
09:00 Болалар соати: "Янги авлод"
09:20 "Ёшлар куйлаганда"
09:40 "Ёшлар" студияси намойиш этади
10:00 "Асрлар садоси"
10:30 "Иблис девори" б/ф
12:00 "Кўнгил наволари"
12:30 Ҳужжатли фильм
13:00 "Одамлар орасида" ток-шоу
13:45 "Тарона"
14:00 "Сага о Форсайтах" т/с
14:45 "Юрт мадҳи"
15:00 "Ёшлар" студияси намойиш этади
15:20 Киноконцерт
15:30 "Яхши кайфият"
16:00 "Тарона"
16:15 "Индиана Жонс" т/с
17:00 Болалар соати: "Янги авлод"
17:20 Андижон Ёшлар студияси тақдим этади: "Имкониятлар олами" кўрсатуви
17:40 Миллий эстрада наволари
18:00 "Асрлар садоси"
18:30 "Тарона"
19:00 "Сага о Форсайтах" т/с
19:45 "Азия-лото"
20:30 "ҲУДУД" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес-репорт"
21:00 "Тарона-Хит"
21:15 Кечки кинозал: "Жеру олмоси" б/ф
22:40 "Тунги ором" мусиқий дастур
23:00 "Яхши кайфият"
23:30 "LOST" т/с
00:15 "ҲУДУД" ахборот-таҳлилий дастури

СЕШАНБА, 17 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Турмуш чорраҳаларида».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ - анонс.
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Бизнинг кутубхона».
9.50 «Конституция оламига саёҳат».
9.55 Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси намойиш этади: 1. «Сув қадри». 2. «Қовун сайли».
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Ўзи уйланмаган совчи».
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Юртим бўйлаб» дастури: «Зардўзлар».
13.05 «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Европа - қитъа тарихи».
15.55 ТВ - анонс.
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Мен ёшликман».
16.25 ТВ - анонс.
16.30 «Очун».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Ҳудудлар ҳаёти».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «ТВ - бизнес хабарлари».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 «Умр манзаралари».
18.40 «Бухоро нақшлари».
18.50 ТВ - анонс.
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Навоийни англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 «Ўзи уйланмаган совчи».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Шимол ва жануб». Б/ф. 2-қисм.
23.45 - 23.50 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
00.40 «Чемпион».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Навоийни англаш».
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Турмуш чорраҳаларида».
05.20 «Ўзбекистон табиати».
05.40 -05.55 Тонги наволар.

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».
8.35 «Танбур». Т/ф.
8.55 «UzEX».
9.00 «Ҳаёт симфонияси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Конституция сабоқлари».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Қувноқ дўмбоқчалар».
10.30 «Чашма».
10.35 «Сирли ўрмонча».
10.50 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ ва таълим».
11.00 «Ўзбекистон – Шарқ дурдонаси».
11.20 «Муъжизавий дунё».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Конституция менинг ҳаётимда».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Тинч океани». Ҳ/ф. 1-қисм.
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Ватанпарвар».
15.40 «Қорақалпоқ ёшлари».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Адабиёт дарси».
16.35 «Мультипанорама».
16.45 Физика дарси: «Мўъжизалар олами».
17.00 Жиззах вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Бахмал олмаси».
17.10 «Ҳаёт завқи».
17.25 «Муҳаббат изҳори».
17.30 «Салом-Намастэ». Б/ф. 2-қисм.
18.30 «Уйимдаги фаришта».
18.50 «UzEX».
18.55 «Давлатимиз рамзлари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Ҳаётбахш наволар».
20.30 «Yoshlar-FM».
21.00 «Кунгил».
21.10 «Шерюрак». Т/с.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Таскин».
00.10 «Афсона ва ҳақиқат».
01.00 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

Хурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан 17ноябрь куни. «TOSHKENT» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастурини соат. 14.55 дан бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Қақнус». Т /с 25-қисм.
16.20 «Экспедиция». Ҳ/ф.
17.00 «Денгиз итлари». М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 26-қисм. (Премьера).
17.50 «Телекурьер-маркет».
18.10 «Анонс».
18.15 «Қонун доирасида».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Анонс».
18.55 «Мари Кюри». Т/с 2-қисм.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Премьера».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Анонс».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж». (рус).
21.10 «Менинг маҳаллам».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25-23.50 «Дочь Махараджи». Ҳ/ф 2-қисм.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
9.55 «Футбол шарҳи».
10.25 «Вилоят спорти».
11.25 Футбол. Жаҳон чемпионатининг саралащ учрашуви. Ирландия - Франция.
13.05 – 13.25 Миллий эстрада - симфоник оркестрининг концерт дастури.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 Футбол. Еврогол.
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 Кўл жанги бўйича Осиё очиқ чемпионати.
20.00 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 Футбол. чемпионат мира. U-17 за 3-место.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Джон Доу»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «С глаз долой, из чарта вон» худ.фильм
13.20 Ўзбек наволари
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 Премьера (ўзб.)
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
18.30 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ДЖОН ДОУ»
22.00 «ПОЙМАЙ И ОТПУСТИ» худ. фильм
00.00 Миксер

«ЎзНТТ»

06.30 Мумтоз наволар
07:00 «Асрлар садоси»
07:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
07:50 «Бизнес репорт»
08:00 «Яхши кайфият»
08:30 «Сўғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви
08:50 «Оилангиз шифокори»
09:00 Болалар соати: «Янги авлод»
09:20 «Ёшлар куйлаганда»
09:40 Андижон Ёшлар студияси тақдим этади: «Имкониятлар олами» кўрсатуви
10:00 «Асрлар садоси»
10:30 «Жеру олмоси» б/ф
11:55 Кинотабассум
12:10 «Кунгил наволари»
12:30 Ҳужжатли фильм
13:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13:45 «Тарона»
14:00 «Сага о Форсайтах» т/с
14:45 «Юрт мадҳи»
15:00 Андижон Ёшлар студияси тақдим этади: «Имкониятлар олами» кўрсатуви
15:20 Киноконцерт
15:30 «Яхши кайфият»
16:00 «Тарона»
16:15 «Индиана Жонс» т/с
17:20 Тошкент Ёшлар студияси тақдим этади: «Келажак овози» кўрсатуви
17:40 Миллий эстрада наволари
18:00 «Асрлар садоси»
18:30 «Тарона»
19:00 «Сага о Форсайтах» т/с
19:45 «Йўқотилган йиллар» т/с
20:30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури
20:50 «Бизнес-репорт»
21:00 «Тарона-Хит»
21:15 Кечки кинозал: «Аждарлар ғори: қудрат манбаи» б/ф
23:00 «25-кадр» кинокўрсатув
23:30 «LOST» т/с
00:15 «ҲУДУД»

ЧОРШАНБА, 18 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.10 «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ - анонс.
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Чорраҳа».
9.55 ТВ - анонс.
10.00 «Қишлоқ шифокори».
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Нақшлар жилоси».
13.05 «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Рангин дунё».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Европа - қитъа тарихи».
15.55 ТВ - анонс.
16.00 «Ўйла, Изла, Топ!»
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 «Умр манзаралари».
18.40 «Кун мавзуси».
18.55 ТВ - анонс.
19.00 «Гирдоб».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
20.15 «Сайлов - демократия кўзгуси».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Мен ёшликман».
21.45 ТВ - анонс.
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 «Шимол ва жануб». Б/ф. 3-қисм.
23.40 - 23.50 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «Тараннум».
00.40 «Мен ёшликман».
00.55 ТВ - анонс.
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Сехрли қўллар».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Турмуш чорраҳаларида».
05.20 «Ўзбекистон табиати».
05.40 - 05.55 Тонги наволар.

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Ҳаёт сабоқлари».
8.35 «Бу қўллар». Т/ф.
8.55 «UzEX».
9.00 «Ҳаёт симфонияси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Оила – меҳр булоғи».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Қувноқ дўмбоқчалар».
10.30 «Кичкинтойлар боғи».
10.40 «Болалар табассуми».
10.50 Хоразм вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Алломиш авлодлари».
11.00 «Автопатруль».
11.20 «Муъжизавий дунё».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Конституция менинг ҳаётимда».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Тинч океани». Ҳ/ф. 2-қисм.
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Сехрли қўллар».
15.40 «Нафс гирдоби».
15.55 «Муҳаббат изҳори».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Адабиёт дарси».
16.35 «Мультипанорама».
16.45 Физика дарси: «Мўъжизалар олами».
17.00 «Инсон психологияси».
17.30 «Жаннат». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Давлатимиз рамзлари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Келажак эгалари».
20.30 «KINOMANIYA».
21.00 «Ҳаётбахш наволар».
21.10 «Шерюрак». Т/с.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Таскин».
00.10 «Афсона ва ҳақиқат».
01.00 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Мари Кюри». Т/с. 2-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Қонун доирасида».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Репортаж». (рус).
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с (рус).
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Қизалоқ, кинода ўйнашни хохлайсанми?»Б/ф.
12.30 «Қалдирғочлар яна қайтади». 26-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс».
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Қақнус». Т /с 26 –серия. (якунловчи).
16.20 «Экспедиция». Ҳ/ф.
17.05 «Денгиз итлари». М/ф.
17.15 «Карвонсарой».
17.25 «Қалдирғочлар яна қайтади». 27-қисм. (Премьера).
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Саломат бўлинг!»
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Анонс».
18.55 «Мари Кюри». Т/с 3-қисм.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Тошкентда латифа».
19.55 «Анонс».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Анонс».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью». (рус).
21.10 «Дурдона».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 - 23.50 «Дочь Махараджи». Ҳ/ф 3-қисм.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
9.55 «Спорт – менинг ҳаётим».
10.25 «ПрофРИНГ».
11.25 -13.00 Футбол. чемпионат мира. U-17 за 3-место.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Вилоят спорти одимлари».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 Кўл жанги бўйича Осиё очиқ чемпионати.
20.00 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 Футбол. Чемпионат мира. U-17 финал.
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Джон Доу»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Поймай и отпусти» худ. фильм
13.30 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Кинокурьер»
15.00 «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
18.30 «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
20.00 M-files
20.30 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ДЖОН ДОУ»
22.00 Киноколлекция: «КУДА ПРИВОДЯТ МЕЧТЫ» худ.фильм
00.00 Миксер

«ЎзНТТ»

06.30 Мумтоз наволар
07:00 «Асрлар садоси»
07:30 «ҲУДУД»
07:50 «Бизнес репорт»
08:00 «25-кадр» кинокўрсатув
08:30 «Сўғдиёна»
08:50 Тонгги наволар
09:00 Болалар соати: «Янги авлод»
09:20 «Ёшлар куйлаганда»
09:40 «Келажак овози» кўрсатуви
10:00 «Асрлар садоси»
10:30 «Аждарлар ғори: қудрат манбаи» б/ф
12:15 «Кунгил наволари»
12:30 Ҳужжатли фильм
13:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13:45 «Тарона»
14:00 «Сага о Форсайтах» т/с
14:45 «Юрт мадҳи»
15:00 «Келажак овози» кўрсатуви
15:20 Киноконцерт
15:30 «Яхши кайфият»
16:00 «Тарона»
16:15 «Индиана Жонс» т/с
17:20 Фарғона Ёшлар студияси тақдим этади: «Бешинчи фасл» кўрсатуви
17:40 Миллий эстрада наволари
18:00 «Асрлар садоси»
18:30 «Тарона»
19:00 «Сага о Форсайтах» т/с
19:45 «Йўқотилган йиллар» т/с
20:30 «ҲУДУД»
20:50 «Бизнес-репорт»
21:00 «Тарона-Хит»
21:15 Кечки кинозал: «Само ва замин аро» б/ф
22:45 «Тунги ором» мусиқий дастур
23:00 «Дилкаш лаҳзалар»
23:30 «LOST» т/с
00:15 «ҲУДУД»

ПАЙШАНБА, 19 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Турмуш чорраҳаларида».
7.55 «Олтин мерос».
8.00 «Ахборот».
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Данғаса». М/ф.
10.15 «Қирол Сежонг». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00 «Ахборот».
11.15 2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили. «Қишлоқ ҳаёти».
11.35 «Мен ёшликман».
11.50 «Ахборот». (инглиз).
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Очун».
13.05 «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.20 «Одамлардан бири».
14.40 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
15.00 «Олам ва одам» дастури: «Европа - қитъа тарихи».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Очун».
16.20 «Камолот остонаси».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.15 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги олдидан. «Ҳаётимиз қомуси».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Ёввойи табиат тилсими».
19.00 «Бир жиноят изидан».
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 «Кун мавзуси».
20.10 «Ўзи уйланмаган совчи».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Хонадон».
21.55 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.40 «Иқлим».
22.50 «Шимол ва жануб». Б/ф. 4-қисм.
23.50 – 24.00 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

24.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Лангар».
00.35 «Хонадон».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Бир ўлка-ки...»
03.50 «Очун».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Турмуш чорраҳаларида».
05.20 «Ўзбекистон табиати».
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Ҳаёт сабоқлари».
8.35 «Соғлик – бойлик».
8.55 «UzEX».
9.00 «Ҳаёт симфонияси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Конституция сабоқлари».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Қувноқ дўмбоқчалар».
10.30 «Қитоб – офтоб».
10.40 «Ёшлар ва таълим».
10.50 Наманган вилоят телерадиокомпанияси тақдим этади: «Ибрат».
11.00 «Қишлоқ тараққиёти».
11.20 «Муъжизавий дунё».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Конституция менинг ҳаётимда».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Шер». Ҳ/ф.
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Тараннум».
15.40 «Тасвир ва таассурот».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Адабиёт дарси».
16.35 «Мультипанорама».
16.45 Физика дарси: «Мўъжизалар олами».
17.00 «Чемпион».
17.20 «Қадимги ёзувлар». Т/ф.
17.30 «Жаннат». Б/ф. 2-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Давлатимиз рамзлари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Шарқ гавҳари».
21.00 «Кунгил».
21.10 «Шерюрак». Т/с.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Таскин».
00.10 «Афсона ва ҳақиқат».
01.00 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Мари Кюри». Т/с 3-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Тошкентда латифа».
9.45 «Интервью». (рус).
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Дурдона».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/ с(рус).
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Эртаклар тарк этган дара». Б/ф.
12.30 «Қалдирғочлар яна қайтади». 27-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55 «Анонс».
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Қалбим чечаги». Т /с 1-серия.
16.05 «Экспедиция». Ҳ/ф.
16.55 «Анонс».
17.00 «Денгиз итлари». М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 «Қалдирғочлар яна қайтади». 28-қисм. (Премьера).
17.50 «Телекурьер-маркет».
18.10 «Анонс».
18.15 2009йил-Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Мари Кюри». Т/с 4-қисм.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Иқтисод-ревю». (рус).
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Репортаж».
21.10 «Эътиқод».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25-00.00 «Приключения итальянцев в России». Ҳ/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
9.55 «Вилоят спорти одимлари».
10.10 «RING».
10.40 Футбол. Чемпионат мира. U-17 финал.
12.15 – 13.15 Бобслей. Кубок мира.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Олимп сари йўл».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
19.55 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 Пляжный Футбол. Чемпионат мира.
22.55 Волейбол. Кубок чемпионов.
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
08.00 «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Куда приводят мечты» х/ф
13.30 Ўзбек наволари
14.30 Премьера (ўзб.)
15.00 «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 «Baby Terra Landiya»
17.00 Ўзбек наволари
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
18.30 «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
20.00 «Jannat Makon»
20.30 Ўзбек наволари
21.00 Сериал «ДЖОН ДОУ»
22.00 «M&TVA-2008» тақдимотининг совриндори: «БОЙВАЧЧА» бадиий фильми
23.40 Миксер

«ЎзНТТ»

06.30 Мумтоз наволар
07:00 "Асрлар садоси"
07:30 "ҲУДУД"
07:50 "Бизнес репорт"
08:00 "Дилкаш лаҳзалар"
08:30 "Сўғдиёна" мунис аёллар кўрсатуви
08:50 "Оилангиз шифокори"
09:00 "Янги авлод"
09:20 "Ёшлар куйлаганда"
09:40 "Бешинчи фасл" кўрсатуви
10:00 "Асрлар садоси"
10:30 "Само ва замин аро" б/ф
12:00 "Кунгил наволари"
12:30 Ҳужжатли фильм
13:00 "Йўқотилган йиллар" т/с
13:45 "Тарона"
14:00 "Сага о Форсайтах" т/с
14:45 "Юрт мадҳи"
15:00 "Бешинчи фасл" кўрсатуви
15:20 Киноконцерт
15:30 "Яхши кайфият"
16:00 "Тарона"
16:15 "Индиана Жонс" т/с
17:00 Болалар соати: "Янги авлод"
17:20 "100 процентов молодёжно" кўрсатуви
17:40 Миллий эстрада наволари
18:00 "Асрлар садоси"
18:30 "Тарона"
19:00 "Сага о Форсайтах" т/с
19:45 "Йўқотилган йиллар" т/с
20:30 "ҲУДУД"
20:50 "Бизнес-репорт"
21:00 "Тарона-Хит"
21:15 "Еддан чиққан замин" б/ф
22:45 "Тунги ором" мусиқий дастур
23:00 "Яхши кайфият"
23:30 "LOST" т/с
00:15 "ҲУДУД"

ЖУМА, 20 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Изҳор».
7.10 «Турмуш чорраҳаларида».
8.00 «Ахборот».
8.35 ТВ - анонс.
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Болалар дунёси».
10.00 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
10.20 «Қирол Сежонг». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «ТВ - шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25 «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим».
12.55 «Юртим буйлаб» дастури: «Риштон мўъжизалари».
13.05 «Умр манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Фортапиано мусиқаси дурдоналари».
14.55 «Олам ва одам» дастури: «Қуёш».
15.45 ТВ - анонс.
15.50 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллиги олдидан. «Ҳаётимиз қомуси».
16.10 «Очун».
16.20 «Аёл бахти».
16.40 «Ўзбекистон табиати».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим буйлаб» дастури: «Чуст пичоқлари».
18.55 «Минг бир ривоят».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Бир ўлка-ки...»
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 ТВ - анонс.
22.45 «Тунги эртаклар». Б/ф.
00.05 - 00.10 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

00.10 Кўрсатувлар дастури.
00.15 «Муқаддас қадамжолар».
00.40 «Бир ўлка-ки...»
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Асрлар садоси».
04.00 «Ахборот».
04.30 «Турмуш чорраҳаларида».
05.20 «Ўзбекистон табиати».
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Ҳаёт сабоқлари».
8.35 «Камолиддин Беҳзод». Т/ф.
8.55 «UzEX».
9.00 «Ҳаёт симфонияси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Оила – меҳр булоғи».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Кувноқ думбоқчалар».
10.30 «Чашма».
10.35 «Сирли ўрмонча».
10.50 «Келажак эгалари».
11.00 «Чемпион».
11.20 «Муъжизавий дунё».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Конституция менинг ҳаётимда».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Вулқон худуди». Х/ф.
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Шарқ гавҳари».
15.40 «Илҳом қанотлари».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Енгиндан огоҳ бўл!»
16.35 «Мультипанорама».
16.45 Физика дарси: «Мўъжизалар олами».
17.00 «Автопатруль».
17.20 «Олтин куз».
17.30 «Жаноб 420». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Давлатимиз рамзлари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Ўзбегим матолари».
20.40 «Бугун».
21.10 «Шерюрак». Т/с.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Таскин».
00.10 «Афсона ва ҳақиқат».
01.00 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Мари Кюри». Т/с 4-қисм.
9.30 «Пойтахт».
9.40 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Юртим жамоли».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Репортаж».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Ҳақиқат чегараси». Т/с (рус) (Якунловчи).
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Ишбилармон кишилар». Б/ф.
12.30 «Қалдирғочлар яна қайтади». 28-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Иқтисод-ревю». (рус).
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Анонс».
15.25 «Қалбим чечаги». Т /с 2-қисм.
16.10 «Экспедиция». Х/ф.
17.00 «Денгиз итлари». М/ф.
17.10 «Карвонсарой».
17.20 «Анонс».
17.25 «Қалдирғочлар яна қайтади». 29-қисм. (Премьера).
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Афиша». (рус).
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Анонс».
18.55 «Мари Кюри». Т/с 5-қисм.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Саломат бўлинг!»
19.55 «Анонс».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Анонс».
20.25 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.00 «Интервью».
21.10 «Эртамиз эгалари».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 - 00.15 «План на игру». Х/ф.

«Sport»

7.00 «Бодрое утро».
7.50 «Тет-а-тет».
8.00 «Хабарлар» (рус тил)
8.25 «Малахов +».
9.05 «Шахризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
9.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
9.55 Документальное кино: «Форд Байярд».
10.50 Баскетбол НБА. Кливленд – ЮТА.
12.10 -13.40 Волейбол. Кубок чемпионов.
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 Футбол. Еврогол.
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 Пляжный Футбол. Чемпионат мира.
19.45 «ГОЛ».
20.45 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 «Аптека слушает».
22.40 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
24.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
09.30 Сериал «Джон Доу»
10.30 Ўзбек наволари
11.30 «Бойвачча» бадиий фильм
13.10 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 Ўзбек наволари
15.00 «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 Премьера (рус)
18.00 Ўзбек наволари
18.30 «Жассига ўхшаши йўқ»
19.00 Ўзбек наволари
20.00 «Тунлар муборак»
20.30 Ўзбек наволари
21.00 «Bollivud markazida»
22.00-00.40 «POYGA» ҳинд бадиий фильми
00.40 Миксер

«ЎзНТТ»

06.30 Мумтоз наволар
07:00 «Асрлар садоси»
07:30 «ҲУДУД»
07:50 «Бизнес репорт»
08:00 «Яхши кайфият»
08:30 «Суғдиёна»
08:50 Тонгги наволар
09:00 «Янги авлод»
09:20 «Ёшлар куйлаганда»
09:40 «100 процентов молодёжно» курсатуви
10:00 «Асрлар садоси»
10:30 «Ёддан чиққан замин» б/ф
12:00 «Кунгил наволари»
12:30 Ҳужжатли фильм
13:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13:45 «Тарона»
14:00 «Сага о Форсайтах» т/с
14:45 «Юрт мадҳи»
15:00 «100 процентов молодёжно» курсатуви
15:20 Киноконцерт
15:30 «Яхши кайфият»
16:00 «Тарона»
16:15 «Индиана Жонс» т/с
17:00 «Янги авлод»
17:20 «Мен, сен ва биз...» курсатуви
17:40 Миллий эстрада наволари
18:00 «Асрлар садоси»
18:30 «Тарона»
19:00 «Сага о Форсайтах» т/с
19:45 «Йўқотилган йиллар» т/с
20:30 «ҲУДУД»
20:50 «Бизнес-репорт»
21:00 «Тарона-ҳит»
21:15 «Сув ёқалаб» б/ф
22:45 «Тунги ором»
23:00 «Яхши кайфият»
23:30 «LOST» т/с
00:15 «ҲУДУД»

ШАНБА, 21 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 «Бегоналар». 1-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
8.30 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.35 «Қўриқчи». М/ф.
9.50 ТВ - анонс.
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 1. «Чинсен». 2. «Маврит».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Иқлим».
13.05 ТВ - анонс.
13.10 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
13.45 «Юртим буйлаб» дастури: «Наманган ширмойлари».
13.55 «Олтин мерос».
14.00 «Ахборот».
14.15 ТВ - анонс.
14.20 «Азизим».
14.50 «Пинокио». Б/ф. 1-қисм.
16.20 «Ҳаёт манзаралари».
«Болалар сайёраси»:
16.30 «Уйла, Изла, Топ!»
17.10 «Конституция оламига саёҳат».
17.15 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.35 «Очун».
17.45 «Минг бир маслаҳат».
18.05 ТВ - анонс.
18.10 «Саломатлик сирлари».
18.30 «Рангин дунё».
18.50 «Шўрданак». Ҳажвий курсатув.
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 «Сайлов - демократия кўзгуси».
20.35 «Шарқ тароналари».
20.50 ТВ - анонс.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Буюк аждодларимиз».
21.55 ТВ - анонс.
22.00 «Қадрдоним Тарами». Б/ф. Премьера.
23.40 - 23.50 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

23.50 Кўрсатувлар дастури.
23.55 «Хотира рашки».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 «Водий гавҳари».
03.10 «Рангин дунё».
03.30 «Буюк аждодларимиз».
03.55 ТВ - анонс.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Шарқ тароналари».
04.45 «Меҳрибонгинам». 1-қисм.
05.35 «Нафосат олами».
05.45 - 05.55 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 Миллий сериал: «Ҳаёт сабоқлари».
8.35 «Уйимдаги фаришта».
8.55 «UzEX».
9.00 «Ҳаёт симфонияси».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Конституция сабоқлари».
10.00 «ДАВР».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Кувноқ думбоқчалар».
10.30 «Кўк қуш». Б/ф.
12.00 «Кичкинтойлар боғи».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Конституция менинг ҳаётимда».
13.00 «ДАВР».
13.10 «Рўзғор мактаби».
13.40 «Навбатчи».
13.55 «Муҳаббат изҳори».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Тошкент мушоираси».
15.10 «Шарқ оҳанглари».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 «Болалар табассуми».
16.40 «Чемпион».
17.00 «Yoshlar-FM».
17.30 «Жаноб 420». Б/ф. 2-қисм.
18.50 «Қишлоғимга хат».
18.55 «Давлатимиз рамзлари».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Айланай...»
20.40 «Ижод мактаби».
21.10 «Шерюрак». Т/с.
22.00 «ДАВР».
22.30 Жаҳон киноси: «Махсус йўл».
00.00 «Тунги парвоз».
00.30 Жаҳон киноси: «Николас Никлби».
02.40 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Мари Кюри». Т/с 5-қисм.
9.25 «Анонс».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Анонс».
9.45 «Интервью».
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Афиша». (рус).
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Индаба». Т/с (рус) 1-қисм.
11.05 «Ўйларим».
11.10 «Мулоҳаза учун мавзу».
11.40 «Анонс».
11.45 «Саломат бўлинг!»
11.55 «Премьера».
12.10 «Анонс».
12.15 «Эртамиз эгалари».
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 29-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» теледастури.
14.50 «Туризм ҳақида». (рус).
15.20 «Аёл қалби».
15.40 «Экспедиция». Х/ф.
16.30 «Денгиз итлари». М/ф.
16.40 «Карвонсарой».
16.50 «Санъатимиз ҳазинасидан».
17.00 Жиззах телерадиокомпанияси намойиш этади: «Қоялар».
17.20 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.25 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 30-қисм. (Премьера).
17.55 «Телекурьер-маркет».
18.15 «Анонс».
18.20 «Афиша».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Анонс».
18.55 «Мари Кюри». Т/с 6-қисм.
19.35 Бизнес-«Пойтахт».
19.40 «Мафтун».
19.55 «Анонс».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Истеъдод».
21.20 «Анонс».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт».
21.50 «Анонс».
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25 - 00.25 Индийское кино: «Я вижу тебя». Х/ф. 1-2серии.

«Sport»

8.00 «Бодрое утро».
8.50 «Тет-а-тет».
9.00 «Хабарлар» (рус тил)
9.25 «Маҳалламиз паҳлавонлари».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил)
10.25 «Шахризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.50 «Фоторевю».
11.10 Пляжный Футбол. Чемпионат мира.
12.00 «Стать ближе». Ток-шоу.
12.45–14.30 Спортивное кино: «Гол-2». Художественный фильм.
18.00 «Жасур болалар».
18.30 «Хабарлар» (рус тил)
18.55 «Военное дело».
19.15 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
20.35 «Файтер». Восточные единоборства.
21.00 «RING».
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 Футбол. XXIX тур. «Спартак» - «ЦСКА».
23.30 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
07.30 Prime time (рус)
07.40 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 Baby hits
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Pouga» хинд бадиий фильми
14.10 Ўзбек наволари
14.30 «Тунлар муборак»
15.00 «БЕОВУЛЬФ» худ.фильм
17.00 Ўзбек наволари
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
19.00 «Топ-10»
20.00 Ўзбек наволари
20.30 «Бизнинг мусиқа»
21.30 «Премьера» (ўзб.)
22.00 «БРОСОК КОБРЫ» худ. Фильм
23.45 -01.45 «Другое видео»

«ЎзНТТ»

06.30 Мумтоз наволар
07:00 «Асрлар садоси»
07:30 «ҲУДУД»
07:50 «Бизнес репорт»
08:00 «Одамлар орасида» ток-шоу
08:30 «Суғдиёна»
08:50 «Оилангиз шифокори»
09:00 «Янги авлод»
09:20 «Ёшлар куйлаганда»
09:40 «Мен, сен ва биз...» курсатуви
10:00 «Асрлар садоси»
10:30 «Сув ёқалаб» б/ф
12:00 «Кунгил наволари»
12:30 Ҳужжатли фильм
13:00 «Йўқотилган йиллар» т/с
13:50 «Жеру олмоси» б/ф
15:15 «Аждарлар ғори: қудрат манбаи» б/ф
17:00 «Янги авлод»
17:20 «Ёшлар» студияси курсатуви
17:40 Миллий эстрада наволари
18:00 «Марко Поло» б/ф (1-қисм)
19:30 НТТда ҳажвия
19:45 «Йўқотилган йиллар» т/с
20:30 «Дийдор ширин»
21:15 Кечки кинозал: «Бахт ёр бўлсин» б/ф (Ҳиндистон)
23:40 «Тунги ором»

ЯКШАНБА, 22 НОЯБРЬ

«O'zbekiston»

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Бегоналар». 2-қисм.
7.50 «Тонгги наволар».
8.00 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Бизнинг кутубхона».
8.50 «Кичик дўстлар саргузаштлари». М/ф.
9.30 «Очиқ дастурхон».
10.00 «Саломатлик сирлари».
10.20 «Минг бир ҳунар».
10.35 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
11.20 «Оҳанрабо».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «КиноТеатр».
13.30 «Пинокио». Б/ф. 2-қисм.
15.00 «Ҳандалак». Ҳажвий кўрсатув.
«Болалар сайёраси»:
15.30 «Жонли ўрмон». М/ф.
17.00 Миллий кино: «Чавандоз».
18.30 «Буюк аждодларимиз».
18.55 «Денгиздан томчи».
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома». (рус).
20.05 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Кўнгил қўшиқ истайди».
21.00 «Таҳлилнома».
21.40 «Заковат».
22.40 «Брюстер миллионлари». Б/ф. Премьера.
00.20 - 00.25 Тунги наволар.

«Uzbekistan»

00.25 Кўрсатувлар дастури.
00.30 «Очиқ дастурхон».
01.00 «Таҳлилнома». (рус).
01.30 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
02.15 «Минг бир ҳунар».
02.30 «Заковат».
03.30 «Денгиздан томчи».
04.00 «Таҳлилнома».
04.40 Миллий кино: «Меҳрибонгинам». 2-қисм.
05.30 «Чемпион».
05.50 - 05.55 Тонгги наволар.

«Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Бугун».
7.30 «Инсон психологияси».
8.00 Миллий кино: «Нотаниш».
9.20 «Якшанба нонуштаси».
9.40 «Соғлик – бойлик».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Шерюрак». Т/с.
11.25 «Конституция менинг ҳаётимда».
11.30 «Эртаклар оламида».
13.00 «Болалар табассуми».
13.10 «Камолот хабарлари».
13.20 «Айланай...»
13.40 «Ўзбегим матолари».
14.00 «Ишдаги ишқ». Б/ф.
16.30 «Ҳазрати Имом». Х/ф.
17.45 «Муҳаббат изҳори».
17.50 «Самовий ишқ». Т/с.
18.50 «Қишлоғимга хат».
18.55 «Оила – меҳр булоғи».
19.00 «ДАВР». Ҳафта якуни.
19.30 «Рўзғор мактаби».
20.00 «Тараннум».
20.40 «KINOMANIYA».
21.10 «Кисна». Б/ф.
23.50 «Юрт тинчлиги».

«Тошкент»

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 Бизнес-«Пойтахт».
8.35 Мумтоз наволар.
8.40 «Мари Кюри». Т/с 6-қисм. (Якунловчи).
9.25 «Анонс».
9.30 «Пойтахт».
9.40 «Анонс».
9.45 «Япон боғи». Т/ф.
9.55 «Телекурьер-маркет».
10.15 «Анонс».
10.20 «Афиша».
10.30 «Пойтахт». (рус).
10.40 «Анонс».
10.45 «Ўйларим».
10.50 «Уйга йўл». Б/ф.
12.10 «Турон ботир». М/ф.
12.30 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 30-қисм.
13.00 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Анонс».
14.05 «Майсаранинг иши». Ўзбек давлат драма театрининг спектакли.
15.20 «Телекурьер-маркет».
15.40 «Анонс».
15.45 «Саргузаштлар ороли».
16.10 «Карвонсарой».
16.20 «Болаликка қайтиб».
16.40 «Истеъдод».
17.00 «Тошкентда латифа».
17.05 «Истиқомат ҳуқуқи». Б/ф.
18.50 «Телекурьер-маркет».
19.10 «Нима учун?»
19.55 «Анонс».
20.00 «Кинотақдим».
20.25 Мумтоз наволар.
20.30 «Тошкент оқшомлари».
20.55 «Самимият ила».
21.20 «Анонс».
21.25 «Туризм ҳақида». (рус).
21.55-00.20 «Кино SMS со звёздами»: «Изгой».
«16 кварталов».
«Что скрывает ложь».

«Sport»

8.00 «Бодрое утро».
9.00 «Хабарлар» (рус тил)
9.20 «Кувноқ стартлар».
10.00 «Хабарлар» (ўзб. тил)
10.25 «ГОЛ».
11.25 «Аёл ифори».
12.00 - 14.00 «Энг машҳур ўйин». Бадиий фильм.
18.00 «Клоун Кири». Мультфильм.
18.05 «АВТОграф».
18.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
19.05 «Спорт – менинг ҳаётим».
19.30 Пляжный Футбол. Чемпионат мира.
20.25 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
21.30 «Талқин». Информационтаҳлилий кўрсатув.
22.05 Футзал. Ўзбекистон чемпионати.
23.25 «ПрофРИНГ».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
09.30 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.00 «Jannat Makon»
11.30 «Бросок кобры» худ. фильм
13.15 Ўзбек наволари
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
17.00 Ўзбек наволари
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
18.10 Ўзбек наволари
20.30 «Кинокурьер»
21.00 Ўзбек наволари
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «СУРРОГАТЫ» худ.фильм
23.45 Миксер

«ЎзНТТ»

07:00 «Асрлар садоси»
07:30 Тонгги наволар
08:00 «Суғдиёна» мунис аёллар курсатуви
08:40 «Тарона»
09:00 «Дийдор ширин»
09:45 «Истиқлол» санъат саройидан» концерт дастури
10:30 Ҳужжатли фильм
11:00 «Само ва замин аро» б/ф
12:40 «Кунгил наволари»
13:00 «Тезлик иштиёқи» б/ф
14:45 «Юрт мадҳи»
15:00 «Жодугар» б/ф
16:45 «Тарона»
17:00 Болалар соати: «Янги авлод»
17:20 «Ёшлар» студияси намойиш этади
17:40 «Тарона»
18:00 «Марко Поло» б/ф (2-қисм)
19:30 НТТда ҳажвия
19:45 «Якшанбада яхши дам» концерт дастури
20:30 «Парламент соати»
20:50 «Оилангиз шифокори»
21:00 «Одамлар орасида» ток-шоу
21:45 «Тарона»
22:00 «Ўткинчи бахт» б/ф
23:30 «Тунги ором» мусиқий дастур

МАЪРИФАТ ДАРСИ

ФУРҚАТ — МАЪРИФАТПАРВАР ШОИР

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаларидан биридир. У ҳассос лирик шоир, юксак бадиий маҳорат ҳамда нафис ва жозибадор бадиий тил соҳиби бўлиш билан бирга, ўзбек адабиётида маърифатпарварлик йўналишини бошлаб берган улуғ мутафаккирдир.

Фурқат 1859 йили Қўқон шаҳрининг Хўжанд даҳасидаги биринчи Бешариқ маҳалласида ҳунарманд-косиб оиласида таваллуд топган. Зокиржоннинг отаси Холмуҳаммад адабиёт ихлосмандларидан бўлиб, ўз замонасининг турлитуман касб-кор ва илму урфонидан бохабар кишиларидан эди. Холмуҳаммад ўғли Зокиржонни олти ёшилан Муҳаммад Олим отли мактабдор таҳсилига топширади. Маҳалла мактабида таҳсил олар экан, Зокиржон уйда ҳам ота-онаси кўмагида мустақил мутолаа билан муттасил шуғулланади. Шарқ мумтоз сўз санъатининг буюк сиймолари Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий, Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Бедилларнинг адабий мероси мутолааси бўлғуси шоирда зуллисонайн адиблик салоҳиятини шакллантиришга хизмат қилди. Ёш толиби илм ушбу улкан меросни кучли ғайрат-шижоат ва маърифатга ташналик билан ўзлаштирган. Унинг ўзи Фаридиддин Атторнинг мураккаб фалсафий-тасаввуфий «Мантиқ ут-тайр» достонини ярим йил мобайнидаёқ мутолаа қилиб ўзлаштирганини эътироф этади. Одатда, улуғ мутафаккирларга меҳр қўйган истеъдод соҳибларни уларнинг руҳлари қўллайди, чунки у руҳан уларга яқинлашиб қолади. Зокиржон Фурқат ҳам Алишер Навоий ижодиёти мутолаасига астойдил киришиб кетган тунларнинг бирида улуғ мутафаккир унинг тушига кириб, уни бадиий ижод имтиҳонидан ўтказади ва унга оқ фотиҳа бериб дуо қилади. У тўққиз ёшларида шеър машқ қилишга жиддий киришади ва

Менинг мактаб аро булдур муродим,
Хатимдек чиқса имлою саводим, —

сатрларини ўқиб бериб, устозидан олқиш олишга муяссар бўлади. Ўз замонасининг эътироф этилган шоири, маҳалладоши Нисбатий унинг бадиий ижоддаги илк устози бўлган.

Фурқат бадиий ижод билан изчил шуғулланиш баробарида, фикр доирасини кенгайтириб, маърифий салоҳиятини ривожлантириб боради. Ўн бир ёшида маҳалла мактабини тугаллаб, яна бир муддат Ашур Муҳаммад Қоридан сабоқ олади. Мулла Қамбаралининг кўмаги билан ўз ҳуснихатини камол топтиради. Қўқондаги Жомеъ масжиди мударриси Подшохўжа устозлигида 1871-72 йиллари араб тили таҳсилини хатм қилади. Таҳсилни 1873 йили Моҳларойим мадрасасида давом эттиради. Бироқ Қўқон хонлигида 1875 йили содир бўлган қонли сиёсий можаролар сабабли мадраса ёпилади ва Фурқат мустақил таълим олишга мажбур бўлади.

Навқирон шоир таҳсилдан турмуш ташвишларига ўтади, турмуш ташвишларидан қайноқ ҳаёт гирдобига шўнғиб кетади. Муайян давр отасининг ёнида туриб турмуш муаммоларини бартараф этишга кўмаклашади. Кейинчалик Раҳматулло тоғасининг таклифи билан унга кўмаклашиш мақсадида Янги Марғилонга йўл олади. Унинг мустақил меҳнат фаолияти шу ерда бошланади. У дастлаб кичикроқ бир дўкон очиб, унда чой ва бошқа маиший моллар савдоси билан шуғулланади. Мазкур юмушларни уддалаш жараёнида Фурқат ҳаётнинг пасту баланди, одамларнинг суратию сийрати, жамиятнинг турфа муаммою жумбоқларини ўрганади. Марғилондаги ҳаёт сабоқлари Фурқатнинг ўзига хос дунёқараши, адабий-бадиий нуқтаи назари шаклланишига катта туртки беради. У «айрилиқ», «ҳижрон» маъноларини ифодаловчи «Фурқат» тахаллусини айнан Янги Марғилонда олган ва шу ном билан танила бошлаган. Фурқатнинг шариат, тариқат, тиб ва илми нужум соҳаларида устози Рожий бўлди.

1882 йилда Қўқонга қайтган Фурқат адабий муҳитнинг пешқадам вакиллари Муқимий, Завқий, Муҳаййир, Муҳйи, Нодимлар билан ҳамкору ҳамқадам бўлади, адабий давраларда ҳамовозлик қилади. Ушбу ҳамкорлик Фурқатнинг адабий-бадиий диди сайқал топишига, нуқтаи назари қатъийлашишига, ижтимоий дунёқараши такомиллашишига, бадиий маҳорати ортишига сабаб бўлади. Фурқат Қўқонда жуда баракали ва сермазмун ижод этганлиги, ғазал, мухаммас, мусаддас каби лирик жанрларда моҳирона қалам тебратганлиги, «Ҳаммоми хаёл» рисоласини ёзганлиги, форс тилидан «Чор дарвеш» қиссасини ўзбек тилига ўгирганлиги, «Нўҳ манзар» китобини таржима қилганлиги, шеърий тўплам тартиб этганлиги, Қўқон тарихига тааллуқли бир китоб ёзганлиги ҳақида маълумот бор. Аммо ҳозиргача уларнинг бирортаси топилмаган. Шоирнинг мавжуд шеърлари бизгача турли баёзлар, тўпламлар, «Туркистон вилоятининг газети» ва бошқа қўлёзма манбалар орқали етиб келган. Шу даврда шоир оила қуради, аммо унинг бахтли оилавий турмуши узоқ давом этмайди. Мазкур никоҳдан шоирнинг Фозилжон исмли ўғли ёдгор қолади ва у 1922 йили фуқаролар урушида шаҳид кетади.

Фурқат 1886-87 йилларда яна Янги Марғилонга қайтади. Кичик бир дўкон очиб тижорат ишлари билан шуғулланиш баробарида, кўпроқ бадиий ижод билан машғул бўлади, мавжуд маҳаллий адабий муҳит билан ҳамкорлик қилади. У Хўжажон Рожий, Муҳаммад Умар Умидий-Ҳавоий, Мулла Тошболту Ройиқ сингари ижод аҳли билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, адабий давраларда иштирок этади. У миллий ижтимоий ҳаётга аста-секин кириб келаётган европача янги турмуш тарзи, фан ва техника мўъжизалари, «Туркистон вилоятининг газети» саҳифалари билан ҳам Марғилонда ошно бўлади. Шоир ҳаётда кузатаётган ва шеъриятига олиб кираётган янгиликлар унинг ижодий такомилини юксак босқичга кўтаради. Бадиий маҳорат ва нуқтаи назарнинг юксалиши шоирни ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳам шеъриятга олиб киришга журъатлантиради. Шоирнинг Худоёрхон тилидан ёзилган мухаммаси чор сиёсий доирасини таҳликага солади. Ушбу асар Қўқондан олиб кетилиб Оренбургда сақланади. Халқ ардоғидаги таниқли шоирга ошкора бирор чора кўришга ботина олмайдилар. У Тошкентга жўнатилиб, хатти-ҳаракатлари назорат остига олинади.

Хўжанд орқали Тошкентга келган Фурқат аввал Кўкалдош мадрасасидаги бир ҳужрада яшайди, сўнг Маҳмудхўжа номли бир адабиёт ихлосмандининг уйига кўчиб ўтади. Фурқат Тошкентда яшаган 1889-1891 йилларида жуда баракали ижод қилди. Ўлкамизга кириб келган телефон, телеграф, газета, виставка, электр энергияси каби фан ва техника, музей кўргазмалари, театр, бал сингари маданият янгиликлари шоирни ҳайратга солди ҳамда унинг ижодида кучли акс садо берди. Ушбу янгиликлар талқини ва тарғибини ижодига татбиқ этган Фурқат новатор шоир мақомига кўтарилди. Фан ва техника янгиликлари, маданият равнақидан таъсирланган Фурқат хайрихоҳлик билан «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида», «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шаҳрида бўлғон нағма базми хусусида» каби қатор маснавийлар ижод этди. Бу асарларида у фан ва техника ютуқларини шарафлади, маърифатни васф этди, замондошларини техник-маданий мўъжизаларни қадрлашга, ўзлаштириш, ўрганишга, илму ҳунарни такомиллаштиришга чорлади. «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган бу асарлар тимсолида Фурқат илм-фан янгиликлари, янгича маърифат ва маданиятнинг фаол жарчиси ва фидойи тарғиботчисига айланди. Ушбу фаолиятнинг заминида мустамлакачилар мафкурасидан холи, соф янгиликка интилиш, ўз халқини жаҳоннинг тараққий этган халқлари даражасига кўтариш орзуси ётарди. Фурқат «Туркистон вилоятининг газети»га ишга кирган 1890 йилдан бошлаб қатор публицистик мақолалар ҳам ёзди ва ўзбек миллий публицистикасига ҳам асос солди.

Фурқат 1891 йил 14 май куни Самарқандга боради, у ердан хорижий мамлакатларга чиқиб кетиб жаҳонгашта ҳаёт кечиради. Дастлаб Марв-Ашхобод-Бокуи-Ботуми орқали Истанбулга борган шоир у ердан Булғория ва Юнонистонга ўтиб кетади. 1892 йилнинг мартида Истанбулдан Ўрта ер денгизи орқали Арабистондаги Макка, Жидда, Мадина шаҳарлари зиёратига ўтади. Ҳаж зиёрати таассуротлари асосида «Ҳажнома» асарини яратади. Ҳижозда Фурқат билан учрашиб қолган шоир Тажаллий уни Бомбей, Деҳли ва Кашмир орқали 1893 йили Ёркентга олиб боради. Асли Ёркентда туғилиб ўсган Тажаллий Фурқатнинг шу ерда муқим ўрнашиб қолишига сабабчи бўлади.

Ёркентда Фурқат шеърият ва табобат машғулотларини уйғун давом эттиради. Дўкон очиб, доривор гиёҳлар тижорати билан шуғулланади. Халқ томонидан «Зубдат ул-ҳукамо» («Ҳакимлар сараси») дея эътироф этилади. Асосан, ижодий ишларини давом эттириб, ғазал, мухаммас, мусаддаслар билан бирга, ижтимоий-сиёсий мавзуларда, жумладан, «Масарратнома», «Қасида» асарларини, рус-япон уруши тасвирига бағишланган маснавийсини битади. Физика, кимё, астрономия каби аниқ фанларни ўрганади, хаттотлик санъатида маҳорати ортади. Қўқон ва Тошкентдаги ёру биродарлари билан алоқа ўрнатади, отаси ва ўғлини Ёркентга таклиф этади. Ёркентда янгидан оила қурган Фурқат икки ўғил кўради. «Ёркент шаҳридан Тошболтуга хат» сарлавҳали назмий мактубидаги қуйидаги байтлар шундан далолат беради:

Менга мунда муқим ўлмоқ
Худо тақдири ўлмишдур,
Эмасдур бандалик дам урмагим
«чуну чаро»лардин.

Худо бермиш ики фарзанд:
Нозимжон, Ҳокимжон,
Қачон бўлғой кўнгул узмоққа
бу кўзи қаролардин.

1909 йили вафот этган Фурқат Ёркентдаги Донгдор қабристонига кўмилган. Шоир қабри устига 1990 йили мақбара қурилган.

Маърифатли бўлиш — тараққиётнинг бош омили эканлиги ғояси, замондошлари ва миллатдошларини савод, илм, маърифат қозонишга тарғиб-ташвиқ этиш Фурқат маърифатпарварлигининг бош концепцияси ҳисобланади. Унингча, жаҳолатнинг дардига ҳам ягона дармон маърифатдир.

Керак одамки, қилғой илм ҳосил,
Жаҳондин ўтмагай то маҳз жоҳил!
Жаҳон басту кушоди — илм бирлан!
Недур дилни(нг) муроди — илм бирлан!

Дарҳақиқат, Фурқат таъкидлаганидек, илм-маърифат ҳосил қилган киши жаҳондан нодонлик билан ўтмайди. Кишининг олдида дунёнинг боғлиқлиги ва қоронғулиги ҳам, очиқлиги ва равшанлиги ҳам илм туфайлидир. Илму маърифати бор одамга жаҳон очиқ ва равшан, у ҳаётнинг ҳар қандай мушкулига илми орқали кушойиш топади. Шу боисдан, диллар мурод-мақсадига илм орқали эришади, кўнгиллар илмий кашфиётлар туфайли завқ-шавққа тўлади. Илм зиёси билан мунаввар кўзларга бутун коинот кўркам ва гўзалдир.

Шоирнинг «Илм хосияти» асари ҳам илмнинг аҳамиятини ёритишга бағишланган. Мутафаккир асарнинг якунловчи қисмида яна илмнинг моҳияти ва хосияти ҳақида фалсафий-бадиий мушоҳада юритади:

Кўнгилларни(нг) сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни(нг) нури илмдандур.
Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,
Бўлар ҳар қайси ўз вақтида даркор.

Халқ мақолида: «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» дейилганидек, Фурқатнинг талқинига кўра, турли илмлардан хабардорлик ҳам кони фазилатдир. Илмнинг ортиқчаси бўлмайди. Ўрганиб қўйилган ҳар қандай илм инсоннинг ҳаётида вақти соати билан албатта, асқотади.

Тошкентда ўтказилган кўргазма (виставка) тўғрисидаги маснавийсида Фурқат фан ва техника, маданият мўъжизаларини беназир равшанбаёнлик билан бадиий шарҳлайди. Масалан, бугунда оддийгина нарсага айланиб қолган электр лампочкаси фонусу шамчироқдан фойдаланилган Фурқат замонида фавқулодда мўъжизадай кўринганки, у қуйидагича ҳайратомуз тасвирини топган:

...Чунончи, икки фонус аҳли ҳикмат
Ясабдурлар қилиб изҳори санъат.
Ёнар бефилта, бегўгурт, беёғ,
Анга бир сим ишорат айлаган чоғ.
Йўқ аммо лампа янглиғ анда соя,
Шуойи боғ аро айлар кифоя.
Эмасдур шам ранги — шуъласи оқ,
Латофатда яна андин маҳинроқ.

Фурқат маърифатпарвар шеъриятини миллатимиз, халқимиз ва мамлакатимизнинг равнақини, порлоқ келажагини кўзлаб яратган эди. Саодатманд насллар унинг маърифатпарвар даъватларига қулоқ тутадилар, дея ишонч билдирган эди:

Аё, Фурқат, қулоқ сол, забт этиб ҳуш,
Ки, шояд наслимиз солғай дебон гўш.

Маърифатпарвар шоирга орзу-армон бўлган замонлар етиб келди. Биз — Фурқатнинг ҳур ва озод насллари тамаддун асрида яшамоқдамиз. Фурқатнинг умрибоқий маърифий асарлари ҳамон мунаввар машъал каби порлаб истиқлолимиз ва истиқболимиз йўлларини ёритиб турибди.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори.

17 НОЯБРЬ – САМАРҚАНДДА ИМОМ МОТУРИДИЙ МАҚБАРАСИ ОЧИЛГАН КУН

«ИНСОН ИМТИҲОНЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН...»

Имом Мотуридий бобомизнинг ёдгорлик мажмуаси имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш арафасида, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан 2000 йилда Самарқанд шаҳрининг марказида, тарихий Чокардиза қабристони ўрнида бунёд этилган.

«Аскарлар қабристони» маъносини англатувчи Чокардиза қабристони юртимизга ислом дини кириб келмасидан бурун ҳам қабристон бўлганлиги ривоят қилинади.

Ушбу ёдгорлик мажмуаси бир-бири билан хиёбонли йўлкалар орқали туташган Имом Мотуридий ҳазратлари қабри ўрнида қад ростлаган улкан мақбарадан, боғдан ва хўжалик биноларидан ташкил топган. Рамзий мақбара ўзбек миллий меъморчилик санъати намуналари қўлланилиб, пишиқ ғиштдан жуда маҳобатли ва гўзал қилиб қурилган. Шифти баландлиги 15 метрли анъанавий мовий тусли гумбаз қилинган. Мақбара марказига Имом Мотуридий ҳазратларининг рамзий қабр тошлари қўйилган бўлиб, тошга улуғ олимнинг араб ёзувидаги сўзлари битилган.

Айтиш жоизки, Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуаси ғоят қисқа фурсатда қуриб битказилган ажойиб ёдгорлик бўлди ва унинг қурилишида турли вилоятлардан келган моҳир усталар кечаю кундуз фидокорона меҳнат қилдилар. Мажмуа очилишида Президентимиз қатнашгандилар ва шу куни бутун дунёдан ташриф буюрган ислом уламолари иштирокида бобомизнинг ҳаётлари ва ижодларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилган эди.

Абу Мансур ал-Мотуридий бобомизнинг тўлиқ исмлари Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Буюк имом, фиқҳ олими, Калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси деб сифатланадилар. «Имом ал-Ҳудо», «Имом ал-мутакаллимон» («Ҳидоят йўли имоми», «Мутаккимлар имоми») номлари билан улуғланадилар.

Имом Мотуридий 870 йилда Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида таваллуд топдилар ва умрларининг охиригача фақат шу ерда яшаб ўтдилар. Самарқанд мадрасасини хатм қилган Имом Мотуридийнинг ўзлари ҳам мадрасада фиқҳ ва калом илмидан сабоқ бердилар. Илм билан шуғулланиб қимматли қўлланмалар, рисолалар ёздилар. У зотнинг «Китоб ал-тавҳид» («Якхудолик ҳақидаги китоб»), «Таъвилот аҳл ассунна» (Суннийлик анъаналари шарҳи») айниқса машҳур бўлиб, «Китоб ал-тавҳид» ҳалигача билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётининг биринчи асари ҳисобланади.

Ақида соҳасида Имом Мотуридий бобомиз тенгсиз хизмат қилиб кетганлар. Калом илмидаги мотуридийлик оқимининг бугун ислом оламининг кўпгина мамлакатлари, хусусан, Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, шимолий Африкада яшаётган вакилларининг барчаси ақида бобида Имом Мотуридий йўлини маҳкам тутганлар. Бу таълимот ўша мамлакатларнинг диний ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитилади.

Шуни ҳам эътироф этиш лозимки, мотуридийлик оқимининг кенг ёйилишига унинг Қуръон, ҳадис, ақлу идрок, мантиқ ва ҳақиқатга жуда яқин тургани сабаб бўлди.

«Инсон имтиҳонлар учун яратилган. Аммо унга бу имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиш ва тўғри йўлни топиш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. Инсон ўз хатти-ҳаракатларида ихтиёрлидир», дейдилар Имом Мотуридий бобомиз.

Имом Мотуридий ҳазратларининг илмий меросларини ҳозиргача бутун дунё қизиқиб ўрганмоқда. Бир қанча асарлари Шарқшунослик институтида сақланади. Кўпгина асарлари жаҳоннинг бир неча тилларига таржима қилинган.

Имом Мотуридий бобомиз 944 йилда вафот этганлар ва васиятларига кўра Чокардиза қабристонига дафн этилганлар.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

КАПТАЛАР УЧУН МИТТИ РИВОЯТ

Бутун умр спиртли ичимликлар дўконининг мудири бўлиб ишлаган бир кишининг яккаю ягона ўғли бор эди. Ёшликдан тарбияси ўзига яраша бўлгани боисми ёхуд отаси топган луқманинг ҳалол эмаслиги сабаблими, билмадик, эркатой ўғилча мактабни тугатгач, институтга ўқишга кира олмай, анча пайтгача бекор тентираб юрди. Қиладиган иши – пешингача ухлаш, кечга томон эса, ўзига ўхшаган бир-икки улфати билан тунги клуб, дискотекаларда санғиш бўлди. Нотавон ўғилни уйлайвериб, онаизори адои тамом бўлди, оғир касалликка чалиниб вафот этди. Онанинг «йили» ўтказилган куннинг эртасига ота-бола ўртасида қаттиқ жанжал чиқди. Иккаласи ҳам захри қотил – ароқ кайфининг оғушида эди, ота: «Энди сендек ўғлим йўқ», дея уни «оқ» қилган бўлса, нонкўр фарзанд: «Агар ўлсангиз, жанозангизга келсам, ҳаром ўлай», деб онт ичди.

Ота-боланинг ҳаёти шу зайлда давом этди. Уларга таниш-билишлар, қўни-қўшниларнинг панд-насиҳати сира кор қилмади.

Кунларнинг бирида фарзанд ногаҳон, бахтсиз ҳодиса сабаб оламдан ўтди. Бу пайтда ота ҳам уйида ўлим билан олишиб, фоний дунё билан хайрлашаётган эди.

Эртасига одамлар шаҳар қабристонида иккита янги тепаликни кўришди. Қабрлар олдида бир мункиллаган чол ўлтириб: «Азиз зурриётларим! Одам алайҳиссаломдан бошланган яна бир сулола умри, мен сабабли барвақт ниҳоясига етяпти. На сен – фарзандим, на сен – набирам айбдор эмассизлар. Буларнинг барчасига сизларга тўғри тарбия бера олмаган фақатгина мен айбдорман, мен», дея кўз ёш тўкар эди...

БИР ҲОВУЧ ДУР

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИДАН ШИНГИЛЛАР

Юз ботмон шакар бермас, бир қошиқ асал таъмини,
Юзта панддан топмагайсан, бир ҳикматча маънини.

* * *

Ким сени тушунган бўлса, демак, у сени сенинг ўзингдан яхши билибди. Ҳа, баъзан бошқалар бизни ўзимиздан кўра яхшироқ танийдилар.

* * *

Бошқалардан хафа бўлиш – ғирт нодонлик...

* * *

Одамлар кўп, лекин... сени эшитадиган одам йўқ!

* * *

Ғамгин пайтларимда ёнимда ҳеч ким бўлмагани учун эмас, балки хурсандчилигимни мен билан баҳам кўрадиган инсон топилмаганидан куйинаман...

* * *

Айрим пайтларда яқин қариндошдан узоқ бегона яхши, чунки яқиннинг «бегона» қалби ўзганинг меҳрибончалик бўлмайди.

* * *

Биз ғами йўқ, деб ҳисоблайдиган одамларда ҳам аслида ғам-ташвиш етарли.

* * *

Инсонлардаги барча яхши фазилатлар фақат ўрнак олишга арзигуликдир. Гап уларни амалда қандай намоён эта олишда қолган.

* * *

Ўгит – бу, ким нима деса деяверсин-у, «олсанг ол, олмасанг олма, ўзи ихтиёрингда» дегани... Чунки ҳамма ҳам ўзи эшитган ўгитга тўлиқ амал қилганида эди, ўгит бебаҳо, дунё эса, янада ҳикматли бўлур эрди...

* * *

Фаҳм-фаросатимизни ўз вақтида ва лозим жойда ишлатмасак, биз учун бу дунё армон ва афсусдан иборат бўлиб қолиши тайин...

Обиддин Маҳмудовнинг «Умр ҳикмати... саодати» китобидан.

БУ – ҚИЗИҚ!

АШЁВИЙ ДАЛИЛ – ЗУЛУК



Етти йил аввал Австралияда, ботқоқли ҳудудда истиқомат қилувчи 71 ёшли аёлнинг уйига қуролли жиноятчилар бостириб киришган эди. Ўшанда босқинчилар атиги 500 АҚШ долларига эга бўлишган, лекин бечора аёлни шафқатсизларча калтаклашган эди.

Ушбу ҳолат юзасидан текширув ўтказган полиция ходимлари қўл бармоқ изларини тополмаган, аммо сейфнинг тагида ётган зулукни кўриб қолишган эди. «Зулук ўғриларнинг бирига ботқоқликдан ўтаётганда ёпишиб қолган, аммо жиноятчи хонадонга киргандан сўнггина баданига зулук ёпишиб қолганини сезиб, олиб ташлаган» деган тахмин бор эди. Полиция зулукдаги инсон қонидан ДНК намунасини олган.

Полициянинг уринишлари самара бермай, ўғриларнинг кимлиги аниқланмай қолаверади. Бу иш полиция архивида етти йил чанг босиб ётгач, бир киши наркотик билан боғлиқ иш туфайли кўз остига олинади. Гумондорнинг маълумотларини компьютер базасига киритаётган полиция ходимлари унинг ДНКси зулукдан олинган ДНК билан бир хил эканини пайқаб қолишган.

Шундай қилиб, 54 ёшли Петру Алек Кэннон зулук туфайли жинояти фош бўлиб, қуролли босқинчиликда иштирок этганини тан олган.

ЁЛҒОНЧИНИНГ ФОЖИАЛИ ТАҚДИРИ

Айдахо штати қутқарувчилари устига кўтарма эшик қулаб тушган аёлнинг чақирувига эътибор қилмадилар.

Гап шундаки, аёл ўша куни эрталаб ҳам 911 рақамига қўнғироқ қилган, автоҳалокат рўй берганини айтиб, ёрдам сўраган эди. Воқеа жойига етиб келган тез ёрдам машинаси ҳеч қандай автоҳалокатни кўрмагач, ортига қайтиб кетган. Дарҳақиқат бу ёлғон чақирув бўлиб, аёл ҳам ўз қўнғироғига кўра келган ўша тез ёрдам машинасини кўрган. Аммо орадан бир неча дақиқа ўтгач, аёлнинг устига кўтарма эшик қулаб тушади. Унинг қутқарув хизматига қилган қўнғирогига бу сафар ҳеч ким эътибор бермаган. Натижада жароҳат туфайли аёл ҳаётдан кўз юмган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

19 НОЯБРЬ – ХАЛҚАРО ЧЕКИШНИ ТАШЛАШ КУНИ

ЎҒИЛ КЕРАК БЎЛСА ЧЕКМАНГ!

Кашандаликнинг зарари ҳақида кўп гапирилган, ёзилган. Яқинда япониялик ва даниялик олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқот чекишнинг яна бир зарарли томонини аниқлади. Илмий иш хулосасига кўра, паровозга ўхшаб тутун буруқситиб сигарет чекадиган кишиларда ўғил фарзанд кўриш имконияти кам бўлар экан. Тадқиқотчилар чекиш туғилажак боланинг жинсига таъсир қилишини исботлаш учун 12 минг оилани текширувдан ўтказдилар. Биринчи навбатда, фақат чекмайдиган кишиларнинг оиласи ҳисобга олинди. Уларда ўғил фарзанд кўпроқ туғилар экан. 100 нафар қизга 121 нафар ўғил бола тўғри келган.

Кашандаларнинг оиласида эса тескари – қиз болалар кўпроқ туғилган. 82 нафар ўғил болага 100 нафар қиз тўғри келган.

Нима қилибди, ўғил ҳам, қиз ҳам жондан азиз фарзанд, деган гап хаёлга келиши мумкин. Тўғри, лекин кашандалик туғилажак боланинг фақат жинсигагина таъсир қилиб қолмаса керак. Унинг фикрлаши, қобилияти ва дунёқарашига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Кашандалик болага туғилганидан кейин ҳам зарар етказади. Маълумотларга кўра, тамаки таркибидаги никотиндан чекувчининг ўзидан кўра унинг тутунидан нафас олган ён-атрофдаги кишилар кўпроқ заҳарланар экан. Бу масаланинг тиббий томони. Ўз отаси чекаётганини кўрган болага чекиш зарарли эканини қандай қилиб тушунтириш мумкин? Уни нима деб ишонтирса бўлади? Бола катталарга, айниқса, ота-онасига нисбатан жуда тақлидчи бўлади. Шу тақлид давомида яшашни ўрганади. Ёшлигидан онига кашандалик фазилат бўлиб сингиган боланинг чекиши – табиий ҳол. Бу нарса ёш авлоднинг нафақат соғлиги, балки турмуш тарзининг ҳам бузилиб кетишига олиб келиши мумкин. Ислом динида маст қилувчи ичимлик ва гиёҳванд моддалар, тамаки истеъмол қилиш тақиқланганида ҳам буюк бир ҳикмат бор.

Ҳар ким ўзи истаганича яшайди, ҳаёт йўлини ўзи белгилайди. Фақат ҳаётдаги ҳеч бир нарса бесабаб содир бўлмаслигини унутмасак бас.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР!

КЕЧ СЎНГАН ИНТИҚОМ ЎТИ

аслида ўн ёшли қизалоқнинг ўғирланишига ҳеч қандай сабаб йўқ эди

Қадим замонда Миршаблар бир ўғрини ушлаб, қозихонага олиб боришибди. Қози эса у содир этган жиноят тафсилоти билан танишгач, ўғрини дорга осиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиқарибди.

Орадан бир мунча вақт ўтгач, жаллод яна қайтиб келибди.

– Қози жаноблари, ўғри йигитнинг бўйи жуда ҳам баланд экан, дорга осмоқчи бўлганимизда оёғи ерга тегиб қоляпти. Нима қилайлик? – деб сўрабди.

Қози эса унинг калтафахмлигидан ғазабланибди:

– Шунга ҳам ақлинг етмайдими, овсар! Кўчага чиқиб, паканарок бирор кишини олиб келгин-да, унинг ўрнига осиб юборавер!

Бу латифанинг куйидаги жиноятга қандай алоқаси борлигини кейинроқ илғаб оласиз, деган умиддамиз.

Жабрланувчининг исми Робия. У шу йил 31 март куни эрталаб, тахминан соат 10.00да шундоқкина дарвоза олдида тенгқурлари билан ўйнаб ўтирганида сал нарироққа «Нексия» автомобили келиб тўхтади. Болалар унга бирров қараб қўйишди-ю ортиқча аҳамият беришмади, яна ўйин билан андармон бўлишди.

«Нексия» ҳайдовчиси эса токи улар ўйиндан зерикиб, уй-уйларига тарқалмагунча миқ этмай ўтираверди. Қачонки, Робия ёлғиз қолгандан кейингина шошилиб пастга тушди.

– Ҳой, қизалоқ, сен Акмал аканинг қизимисан? –деб сўради ва саволига жавоб ҳам кутмай машина юкхонасини очиб, икки шиша «Кока кола», икки шиша «Фанта» ичимликлари ва икки боғлам редискани олиб узатди.

– Мана буларни даданг бериб юборгандилар, олиб кириб кетгин.

– Мен ҳаммасини кўтара олмайман, яхшиси акамни айтиб чиқай, – деди Робия ва ичкарига қараб йўл олди. Аммо улгурмади. «Нексия» ҳайдовчиси унинг сочларидан чангаллаган қўйи даст кўтариб, машина юкхонасига жойлади. Оила аъзолари қизалоқнинг дунёни бузиб юборгудек чинқиришини эшитиб, югуриб чиққунларига қадар машина кўздан ғойиб бўлди.

Навбатчилик қисмига 10 ёшли қизча олиб қочилгани ҳақида хабар тушганидан кейин Кўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари оёққа турди. Тезкор-қидирув гуруҳига тергов бўлинмаси терговчиси, катта лейтенант Ҳожиакбар Турсунқулов раҳбар этиб тайинланди.

Катта лейтенант Ҳожиакбар Турсунқулов бир неча йилдан бери Кўқон шаҳар ички ишлар бошқармасида хизмат қилади. Ҳали уйланмаган, энг ёш ходимлардан бири. Шундай бўлса-да, моҳир терговчи сифатида танилишга улгурган.

Кўпинча хуфиёна равишда содир этилган мураккаб жиноятлар юзасидан тергов ҳаракатларини олиб бориш айнан унинг зиммасига юклатилади. Ҳожиакбар эса буни ўзига билдирилган ишонч деб қабул қилади. Назаримизда қуйидаги жиноятнинг фош этилишида ҳам унинг нечоғли изланувчан, интилувчан эканлиги ва иқтидори ярқ этиб кўзга ташланди.

– Жабрланувчининг отаси нуфузли идоранинг ходими экан, – дейди у биз билан суҳбатда. – Аммо бирор кишидан шубҳангиз борми, деган саволимга тузукқуруқ жавоб беролмади. Аммо ҳеч кимни бу қадар разилликка сабаб бўладиган даражада ранжитмаганини айтди, холос. Унинг ўша пайтдаги ҳолатини тасаввур қилиш мумкин. Ахир боласи ғўра еса, отасининг тиши қамашади, деб бежиз айтишмаган. Ваҳоланки, жондан азиз фарзандининг ҳаёти ва соғлиги хавф остида қолганди.

– Ўзингизни қўлга олинг, ака, ҳаммаси яхши бўлади, – деди катта лейтенант унга таскин бериб.

Аммо ожиз ҳолда пешонасини чангаллаб ўтирган ота бу гапга деярли аҳамият бермади. Шошилмаса илож йўқ. Ўтаётган ҳар бир дақиқа жиноятчининг фойдасига ишлайди. Энг ёмони, бу разилликка қўл уришига сабаб нима – номаълум эди. Агар олди олинмаса, ўн гулидан бир гули очилмаган қизалоққа бирор зарар етиши ҳеч гап эмас.

Терговчи шуларни ўйлаб тоқатсизланарди. Ўзини ҳар қанча вазмин тутишга уринмасин, хавотир ва ҳадикнинг зил-замбил юки гарданини босиб турарди. У тезкор-тергов гуруҳи аъзоларининг ҳар бирига алоҳида топшириқлар берди. Шу тахлит жабрланувчининг қўни-қўшнилари, қизалоқ билан ўйнаб ўтирган болакайлар билан бирма-бир суҳбатлашиб чиқилди. Аммо ҳеч ким жиноятчининг кўриниши у ёқда турсин, қизча олиб қочилган автомобиль ҳақида ҳам тузукроқ гап айтолмади.

Тахминан соат 13 дан 44 дақиқа ўтганда қизалоқнинг отасини уяли телефони жиринглаб қолди.

– Алло, эшитаман, ким бу? –деб сўради ота жони халқумига тиқилгудек шошилиб.

Гўшакдан:

– Сен Акмалмисан? –деган нотаниш овоз келди.

– Ҳа, ўзингиз кимсиз?

– Буниси билан ишинг бўлмасин. Арзанданг қўлимда, агар уни соғ-омон қайтаришимни истасанг «кўк»идан 500 минг тайёрлаб қўйгин, хўпми! Гапим ростлигига ишонч ҳосил қилишинг учун қизинг билан гаплаш.

Шундан кейин гўшакдан Робиянинг йиғламсираган овози эшитилди.

– Алло, дадажон, мени қачон олиб кетасиз?

– Тез орада, асалим, сен ҳечам қўрқмагин, сени албатта қутқариб оламан, бўптими?

Афтидан нотаниш шахс телефонни қизчадан тортиб олди.

– Айтинг, мен нима қилишим керак, сиз билан қандай учрашамиз? –деб сўради Акмал илтижо билан.

– Шошилма, 15 кун ичида яна ўзим сенга қўнғироқ қиламан.

Аммо у бу қадар кўп кутдирмади. 1 апрель куни соат 11 дан 50 дақиқа ўтганда яна сим қоқди.

– Хўш, нима бўлди, мен айтган пулни тайёрлаб қўйдингми? –деб сўради у.

– Ҳаммасини эмасу қисман тайёрлаб қўйдим.

– Қисман деганинг қанча?

– Ҳозирча 20 минг доллар.

– Бу – кам. Яна ҳаракат қил!

Шундан кейин гўшакдан қисқа-қисқа гудок эшитилди. Аммо ҳаммасидан қизиғи орадан ярим соат ўтгач юз берди. Нотаниш киши яна қўнғироқ қилиб, қизчасини уйига элтиб қўйгани, талаб қилинган пул мутлақо керак эмаслигини айтганида, ота бечора қулоқларига ишонмай, ҳанг-манг бўлиб қолди.

Жиноят ишида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган фуқаро Шоҳрух Аминовнинг айтишича, 1 апрель куни тахминан соат 10 дан 30 дақиқа ўтганда кўчадан уйига қайтиб келганида Робиянинг буваси дарвоза олдида турарди. Шу пайт оқ рангли «Нексия» тез келиб, тахминан 10 қадамлар нарида тўхтади. Машинанинг орқа эшиги очилиб, Робияхон пастга тушди-ю йиғлаганча бобосига қараб югурди.

Бир муддат каловланиб қолган Шоҳрух Аминов набирасининг юзкўзларидан ўпаётган отахонга қараб: «Бу ўша машинами?» деб сўраганди у бошини қимирлатиб «ҳа» ишорасини қилди. Шундан кейин Шоҳрух Аминов ўзининг ҳали мотори ўчирилмаган машинасига ўтириб, бояги автомобилни таъқиб эта бошлади. Йўл-йўлакай ички ишлар ходимлари билан телефон орқали боғланиб, уларни вазиятдан хабардор қилиб борди. Ниҳоят гумондор катта магистраль йўлнинг Катта Тўлабой қишлоғидан ўтган қисмида кўлга олинди. Шундан кейингина олиб қочилганидан кейин не савдоларни бошидан кечиргани ҳақида қизалоқнинг ўзидан эшитиш имконияти тугилди.

– У мени сочимдан тортиб, мажбуран юкхонага жойлагач, машинани учириб кетди, – дейди Робия ҳамон вужудидаги қўрқув ва титроқни босолмай. – Қайси кўчалар бўйлаб юрганимизни билмайман, чунки ҳеч нарсани кўрганим йўқ. Бақирдим, қўлларим билан юкхона деворларини урдим – ҳаммаси бефойда эди. Овозимни ҳеч ким эшитмасди. Тахминан икки соатлар ўтгач тўхтадик. У юкхонани очиб, аллақандай мосламани қўлимга теккизганди, ток ургандек титратиб юборди. Бақиришга ҳам қўрқиб қолдим. Кейин чилвир билан қўлимни орқага қилиб боғлади, оёқларимни ҳам чирмаб ташлади. Оғзимга эса скотч ёпиштирди. Яна юкхонага жойлади. Орадан бир мунча вақт ўтгач каттагина сойнинг ёнидаги ахлат тўкилган жойда тўхтадик.

Шу ерда у телефон рақамини сўраб олиб, мени дадам билан гаплаштирди. Яна икки соатлар айланиб юргач, кўпқаватли уйга олиб борди. Юкхонадан тушириб, оёқ-қўлларимни ечди. Агар бақирсам ёки тўполон қилсам, яна ток урадиган мосламани ишга солишини айтди. Иложсиз унинг ортидан эргашдим.

Нечанчи қаватлиги эсимда йўқ, оқ рангли темир эшик ўрнатилган хонадон олдида тўхтадик. У чўнтагидан калитни олиб эшикни очди. Ичкарига киргач, яна оёқ-қўлларимни чандиб боғлаб ташлади. Ҳатто ухлаганимда ҳам бўшатмади. Қўлларим қисилгани боис, азоб чекаётганимни айтсам парво қилмади.

Эртаси куни яна машинага чиқдик. Аммо бу сафар юкхонага эмас, орқа ўриндиққа юзтубан ётишимни, бошимни кўтармаслигимни, фақат тур деганида туришимни тайинлади. Биз машинада кетаётганимизда у яна дадамга телефон қилиб, 50 минг долларни тайёрлаб, уйингда турсанг қизингни топшириб, пулни олиб кетаман, деди. Яна бир муддат шаҳар айландик. Йўл-йўлакай яна дадамга қўнғироқ қилиб, сен билан эркакчасига келишиб олгандик-ку, орқамдан кузатаётганларни даф қил, дея телефонни ўчириб қўйди. Шундан кейин у мени маҳалламизнинг бошида тушириб, ўзи қаёққадир жўнаб қолди...

Ниҳоят, юқоридаги латифанинг бу жиноятга нима дахли борлиги хусусида. Гумондорнинг тергов жараёнида кўрсатма беришича, бундан тўрт-беш йиллар муқаддам Қўқон шаҳрининг Космонавтлар кўчасида ижарага олган дўкони бўлиб, бу ерда акалари ва бошқа оила аъзолари савдо қилишар, ўзи эса Тошкент шаҳрининг Ўрикзор бозоридан мол олиб келиш билан шуғулланарди.

Ўша кезлари ҳуқуқ-тартибот ходимлари унинг фаолияти билан қизиқиб, тақдим этилган ҳужжатларнинг сохталигини аниқлашган ва шу тариқа пойтахтдан олиб келинган кўп миқдордаги моллари қонун доирасида мусодара этилган экан.

– Тўрт миллион сўмлик молларим мусодара этилгач, савдо-сотиғимиз бутунлай касодга учради, – деди гумондор. – Катта миқдордаги қарздан қутилиш учун уйимизни ва «Нексия» русумли машинамизни сотишга мажбур бўлдик. Шу сабаб бўлди-ю ким бўлишидан қатъи назар, назорат қилувчи идоралар ходимларидан ўч олиш, қай йўл билан бўлмасин, уларни тавбасига таянтириш мақсади Дилшод Тўхтабоевга тинчлик бермай қўйди. Айтишича, бир куни у таксида Элатон кўчасидан ўтиб кетаётганида ён-атрофдаги уйларга нисбатан ҳашаматли бинога кўзи тушган ва ҳайдовчидан бу хонадонда нуфузли идоралардан бирида ишлайдиган одам истиқомат қилишини билиб олган. Аслида эса Робиянинг отасидан ҳеч қандай азият чекмаган, ҳатто уни танимаган-билмаган. Унинг бирдан-бир айби – назорат қилувчи идоралардан бирининг ходими эканлиги эди. Фақат шу боисдан унинг қизи Робияни ўғирлаб, кўксини куйдираётган интиқом ўтидан халос бўлиш экан.

Шундай қилиб, Данғара туманининг Катта Ганжиравон қишлоғида истиқомат қилувчи Дилшод Тўхтабоевга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан қўзғатилган жиноий иш якунига етди. Судда ҳам тергов ҳаракатлари малакали олиб борилганлиги учун Дилшод Тўхтабоев томонидан содир этилган мудҳиш жиноят тўлақонли ўз исботини топди.

– Ҳеч қаерда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай келгани ҳолда ғаразгўйлик ва бошқа паст ниятларда вояга етмаган шахсни ўғирлагани, унга зўрлик билан ҳам руҳий, ҳам жисмоний азоб бергани, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилгани, айни пайтда жабрланувчининг яқин кишиларини беадад қўрқув ва саросимага солиб қўйгани учун судланувчига тегишли жазо чоралари белгиланди, – дейди терговчи суҳбатимизга хотима ясаб.

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Фарғона вилояти.

ОДАМ САВДОСИ – ОҒИР ЖИНОЯТ

МАНЗИЛИГА ЕТМАГАН МАКТУБ

Бекатда автобус кутиб турган эдим. Ўриндиқда ётган хатжилдни кўриб қолдим. Кимдир унутиб ёки тушириб қолдирган шекилли. Уни очиб, ўқий бошладим.

«Дўстим Азизжон! Қариндошимизнинг ўғли Самандар билан суҳбат чоғида хорижда ишлаётган Санжар акасининг топиштутиши яхши эканлигини билиб ўша юртга ишга боришга аҳд қилдим. Аввалига қаршилик кўрсатган ота-онам кейин рози бўлишди. Кетишимдан олдин Санжар ака билан гаплашдим. У мени кутиб олишини айтиб, телефон рақамини берди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган кун келди. Мени кузатиш учун аэропортга борган яқинларим билан хайрлашаётганда, бир йил ичида машинали бўлишим, ҳаммаларини шаҳар айлантиришимни ваъда қилар эканман, бу сўзларга ўзим ҳам ишонар эдим.

Бегона шаҳарга бориб тушдим. Ваъдага биноан мени Санжар ака кутиб олди. Ўрмон яқинидаги мармар тош кесиш корхонасида озиб-тўзиб кетган турли ёшдаги кишилар билан «ҳамкасб» бўлдим. Корхонада тоғдек уюлган катта-катта мармар тошлар устидан тинимсиз сув оқиб туради (агар сув оқизиб турилмаса, тош кесувчиларнинг ўпкаси қай аҳволга тушишини ўзингиз тасаввур қилаверинг). Тонг отгандан кун боттунга қадар ишлаймиз. Тепамизда ўдағайлаб Санжар ака турали. Хуллас, ит ётиш – мирза туриш. Олти ой деганда соғлигимни йўқотиб, уйга қайтиш фикри тинчлик бермай қўйди. Ҳар кеча тушимга ота-онам, дўстларим, жонажон қишлогим кириб чиқади. Йигит ёшига етиб, илк бор кўзим ёшга тўлди. Буйрагимдаги оғриқ кундан-кун зўрая бошлади. Санжар акага уйга кетмоқчи эканлигимни айтиб маошимни сўрасам, юравер шу ерда, маош эвазига ётар жойинг бор, ебичаяпсан-ку, деди. Унинг сўзларини эшитиб ҳафсалам пир бўлди. Наҳотки шу тошбағир инсон ҳам мусулмон бўлса? Орзуниятларим бир зумда ҳавога совурилди. Сароб ортидан келганимни англагач, қатгиқ пушаймон бўлдим.

Кунларнинг бирида бизга нон олиб келадиган машина ҳайдовчиси билан гаплашиб қолдим. У водийлик ўзбек йигити эди. Аҳволимни кўриб ачинди шекилли, яширинча уйга қўнғироқ қилиб олишим учун уяли телефонини берди. Уй рақамини тераяпман, кўзимдан оқаётган шашқатор ёш куксимни куйдиради. Гўшакдан онажонимнинг овози келди. Волидамдан мени қайтариб юборишини Санжар аканинг отасидан сўраш ва авиачипта учун пул жўнатишни сўрадим. Онаизорим ва дадажоним (унинг отасига ялиниб-ёлвориб зўрға кўндиришибди) сўнгги манзиллари учун атаб қўйган пулларини Санжар ака орқали етказишди. Кейин аэропортга бориб, уйга жўнаб кетдим.

Бошимдан ўтган бу воқеа бошқаларга сабоқ бўлиши учун ёзаяпман. Дўстим, мабодо бирор кимса ўзга юртда ишлаш учун таклиф қилса, асло рози бўлма. Яхшиси шу масала билан шуғулланувчи идораларга мурожаат қилганинг маъқул. Менга ўхшаб сен ҳам алдовларга учиб, сарсон-саргардонликда аччиқ кўз ёши тўкишингни истамайман.

Дилшодбек».

Дилшодбекнинг мактубини
Зебо ОМОНОВА оққа кўчирди.

Қашқадарё вилояти.

СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ

III Осиё ўйинлари. Футзал

ВАКИЛЛАРИМИЗ БРОНЗА МЕДАЛИ СОВРИНДОРИ

3rd Asian Indoor Games
Hanoi, Vietnam
2009

Вьетнамдаги ёпиқ иншоотларда якунига етган III Осиё ўйинлари доирасидаги футзал мусобақасида спортчиларимиз бронза медали соҳиби бўлишди. Ярим финалда Таиланд терма жамоасидан мағлуб бўлган вакилларимиз учинчи ўрин учун бўлган беллашувда ён қўшниларимиз – туркманистонликларни 2:0 ҳисобда енга олишди.

Ўзбекистонлик футзалчилар учинчи бор ўтказилган ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида кетма-кет учинчи маротаба бронза медаль соҳибига айланишди. Ғолиблик эса яна Эрон терма жамоасига насиб этди.

1/4 финал

Ўзбекистон – Япония – 5:3 (2:1)
Эрон – Малайзия – 16:1
Таиланд – Қувайт - 7:4
Иордания – Туркманистон 2:3

1/2 финал

Эрон – Туркманистон - 13:0
Таиланд – Ўзбекистон – 3:1

Учинчи ўрин учун беллашув

Ўзбекистон – Туркманистон – 2:0

Финал

Эрон – Таиланд – 3:3 (пенальтилар бўйича – 1:0)

Футбол бўйича Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати баҳслари 30-турда «Машъал» ва «Бунёдкор» учрашувидан сўнг якунланди.

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси кетма-кет иккинчи маротаба мамлакат чемпионлигини қўлга киритди. «Пахтакор» ҳамда Қаршининг «Насаф» футболчилари кумуш ва бронза медалларига муносиб топилди. Охирги икки тур эса олий лигани тарк этган жамоаларга аниқлик киритди.

Таъкидлаш жоизки, якунланган йигирма тўққиз учрашувда «Бунёдкор» футболчилари бирорта ҳам мағлубият аламини тотиб кўришмади. Бу эса ўз навбатида чемпионатимиз савияси ошганлиги, шунингдек, пойтахтликларнинг қанчалик кучли эканлигидан далолатдир. «Бухоро» ва «Сўғдиёна» жамоалари бир хил – 24 очко жамғарган ҳолда олий лига билан хайрлашди.

Тўпурарлар баҳсида ёши салкам қирқни қоралаб қолган бразилиялик чарм тўп устаси Ривалдо ғолиб бўлди. У чемпионат давомида йигирма маротаба рақиблар дарвозасини аниқ нишонга олди. Анвар Солиев («Бунёдкор») ҳисобида ўн саккизта, Одил Аҳмедов («Пахтакор»)да эса ўн олтита гол бор.

Олий лига

МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Якуний жадвал

№	Жамоа	Ўйин	Ғалаба	Дуранг	Мағлубият	Т-Н	Очко
1	**Бунёдкор**	29	27	2	0	84-13	83
2	**Пахтакор**	30	18	10	2	69-16	64
3	**Насаф**	30	16	7	7	48-27	55
4	Олмалиқ	30	15	3	12	50-38	48
5	Нефтчи	30	14	4	12	43-38	46
6	Локомотив	30	11	9	10	34-40	42
7	Андижон	30	10	9	11	47-48	39
8	Шўртан	30	11	6	13	36-50	39
9	Динамо	30	11	5	14	44-42	38
10	Хоразм	30	9	11	10	30-39	38
11	Қизилқум	30	10	5	15	33-56	35
12	Металлург	30	7	10	13	36-49	31
13	Машъал	29	8	6	15	32-42	30
14	Навбаҳор	30	7	7	16	21-48	28
15	**Бухоро**	30	6	6	18	40-59	24
16	**Сўғдиёна**	30	6	6	18	24-66	24

ДУНЁ СПОРТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ПОХАН СТИЛЕРЗ» – ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ

Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг ғолиби маълум бўлди. Финалда Жанубий Кореянинг «Похан Стилерз» ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоалари ғолиблик учун баҳс олиб боришди. Муросасиз кечган ўйинда кореялик футболчиларнинг қўли баланд келди. Шунингдек, ОФК мутахассислари томонидан бир неча номинациялар ғолиблари аниқланди. «Энг фойдали ўйинчи» деб Но Бён Чжун («Похан Стилерз») деб топилган бўлса, «Энг яхши тўпурар» деган номга «Гамба Осака» (Япония) жамоаси футболчиси Леандро (10 та гол) муносиб деб топилди.

МЕЗБОН ШАҲАР

Барселона шаҳрида Европа енгил атлетика ассоциациясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 2012 йилда қитъа биринчилигини ўтказиш бўйича қатор масалалар кўрилди. Шу жумладан, чемпионатга мезбонлик қилувчи шаҳар номи ҳам маълум бўлди. Йиғилиш қарорига кўра, Финляндиянинг Хельсинки шаҳри мусобақаларга мезбонлик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ВАЛУЕВ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАДИ

Германиянинг Нюрнберг шаҳрида WBA йўналиши бўйича супер оғир вазнда чемпионлик камари учун жанг ўтказилди. Унда россиялик амалдаги жаҳон чемпиони Николай Валуев ва британиялик даъвогар Дэвид Хэй рингга кўтарилишди. Ўн икки раунд давом этган беллашувда Дэвид Хэйнинг қўли баланд келди. Эслатиб ўтамиз, британиялик боксчи профессионал рингда 23 та жанг ўтказган бўлиб, шундан 22 тасини ўз фойдасига ҳал қилган.

ЎЙИН ҚОЛДИРИЛДИ

Шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпионлари Гарри Каспаров ва Анатолий Карпов ўртасида бўлиб ўтиши режалаштирилган учрашув қолдирилди. 2009 йилнинг охирида Францияниг Париж шаҳрида ўтказилиши кутилаётган ўйин 2010 йилга кўчирилди. Ҳозирда Марокконинг Работ шаҳрида шахмат мактабини очган Гарри Каспаров мазкур учрашув билан боғлиқ бирор санани айтмаяпти.

Табриклаймиз!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник **Ғайрат БОЛТАБОЕВ**ни туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Азиз ҳамкасбимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, фарзандлари, шогирдлари камолини кўриб, кўп йиллар сафдошлари даврасини тўлдириб юришини тилаймиз. Хонадонидан файзу барака аримасин.

ИИВ Бирлашган таҳририяти раҳбарияти ва жамоаси.

АҚЛ ЧАРХИ

Ҳурматли мухлислар! Қуйидаги машқларни ечиб, ўзингизни синаб кўринг:

Оқлар бошлаб, икки юришда мот қилади.

Оқлар бошлаб, уч юришда мот қилади.

Жавобларингизни 232-05-51 (факс)га жўнатишингиз ёки 231-40-92 рақамли телефон орқали билдиришингиз мумкин.

ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

НАЪМАТАК

Наъматак мевалари халқ табобати амалиётида қадим замонлардан бери қўлланиб келинади. Меваларидан тайёрланган дамлама ўпка сили, жигар, ўт пуфаги яллиғланиши, ичак, буйрак, қовуқ касалликларини даволашда тавсия этилади. Шу билан бирга, наъматак мевалари асосида тайёрланадиган қайнатма қон тўхтатувчи, иситма туширувчи омил сифатида ҳам истеъмол қилинади.

Доривор маҳсулот сифатида наъматакнинг нафақат мевалари, балки гуллари, барги ҳатто илдизлари ҳам ишлатилади. Халқ табобатида унинг илдизларидан тайёрланадиган қайнатма қовуқ ҳамда буйракка тош келиб, оғриқ берганда ичилса, дардга анчагина малҳам бўлади. Наъматак меваларининг дамламаси тинка қуриши, бедармонликда, камқонликда ижобий натижа берадиган синалган омиллардан ҳисобланади. Дамлама болаларда кузатиладиган майда тошмалаони, йирингли-септик асоратларга мойиллиги бор ўткир юқумли касаллик қизилча (скарлатина)ни, терлама (тиф) ни ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Наъматак гуллари кўз шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларни ҳам даволайди.

Ўрта Осиё халқлари табобатида наъматак мевалари асосида тайёрланадиган дамлама ва қайнатмалар ичдан қон кетганда, безгакда тавсия этилади, милк касалликларида оғиз чайқалади, шунингдек организмда модда алмашинувини яхшилаш мақсадида ичилади.

Замонавий тиббиётда наъматак меваси асосли дамлама, экстракт ва шарбат (ҳўл мевасидан) ҳамда тутмадорилар, холосас каби доривор воситалар тайёрланади. Мазкур воситалар авитаминоз хасталиги, атеросклерозни даволашда, ўт ҳайдаш мақсадида тавсия этилади.

Ўсимлик меваларидан тайёрланган доривор воситалар антисептик, умумдармон бағишловчи атеросклерозда даво бўлувчи дори сифатида ишлатилади. Наъматак меваларида Р дармондорилар йиғиндиси бўлганлиги туфайли, у майда қон томирчалари деворларининг эгилувчанлигини ошириб, уни мустаҳкамлайди. Унинг илдизи асосида тайёрланган қайнатма овқат ҳазм қилувчи органларнинг фаолиятини уйғунлаштириб, унинг ферментатив фаоллигини меъёрига келтиради.

Наъматакнинг яна бир хусусияти инсон организми учун хавфли бўлган юрак тож томирлари атеросклерозида холестерин миқдорини камайтириши ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, наъматак ўт пуфаги касаллиги – холециститда ҳамда ўт ажратилишини суслашиши билан боғлиқ бўлган касалликларда ижобий натижа беради.

Наъматак меваларининг уруғидан олинадиган тўйинмаган ёғ кислоталари, каротиноидлар, такоферолларбилан ҳам турли касалликларни даволаш мумкин. Саноат миқёсида «Наъматак мой», шунингдек, мевалари киритилган бир қатор йиғмачойлар чиқарилмоқда.

Уй шароитида наъматак меваларидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйилади ва бир ош қошиқ майдаланган (ёнғоқчаларидан халос этилган) мевалардан солиниб, 10 дақиқа давомида қайнатилади, сўнгра бир кеча-кундуз давомида қолдирилади. Қайнатма докада сузилгач, унга шакар қўшиб таъми яхшиланиши мумкин. Шарбатдан кунига 3 маҳал овқатланишдан олдин ярим стакандан ичилади.

Наъматак билан қорағат меваларини қўшиб шифобахш дамлама тайёрлаш мумкин. Бунинг учун икки меванинг аралашмасидан 20 г олиб, устига 2 стакан миқдорида қайноқ сув солиб, 1 соат давомида бирор мато билан ўраб дамлаб қўйилади. Сўнгра шарбати сузилиб, унга шакар қўшилади. Дамламадан кунига 3-4 маҳал ярим стакандан истеъмол этилади.

«Шифобахш гиёҳшарбатлар» китобидан.

«ЭЛУ ЮРТ ПОСБОНЛАРИ – ТИНЧЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ» танловига

ҲАСАД ОЛОВИ

Детектив

(Охири. Бошланиши ўтган сонда).

Ана шундай кунларнинг бирида икки дугона одатдагидек ишдан кейин учрашиб, чойхўрлик қилиб ўтиришганда Оля ёши йигирма учдан ошгани, турмуш қуриш вақти келгани ҳақида гап очиб қолди.

– Вой писмиғ-ей, менга билдирмай бирортаси билан-а? – ичи куйиб кетган бўлса ҳам зўраки илжайди Неля. – Дугона ҳам шунақа бўладими?

– Йўқ-йўқ, мени тушунмадинг, – шошилиб ўзини оқлади Оля. – Ҳали ҳеч гап йўқ.

– Кўз остингга бирортасини олиб қўйгандирсан?

– Илмий текшириш институтида ишлайдиган йигит сал ёққандай бўляпти. Ҳали ўзига сездирганим йўқ.

«Ўл-е, ландовур, сенинг ортингдан кимлар соядек эргашиб юрибди-ю топган одамингни. Илмий ходим эмиш» деган гапни кўнглидан ўтказган Неля:

– Агар маъқул келаётган бўлса ўшани маҳкам ушла, – деди. – Туғри айтасан, турмуш қуриш, фарзанд кўриш вақти келди. Ҳаракат қил!

– Сен-чи?

– Э, биттаси касалхонамизда даволаниб, мени кўрибди-ю севиб қолибди. Бир-икки келганди, тошингни тер, дедим.

– Нега? – самимий ажабланди Оля. – Яхши йигит бўлса...

– Яхши йигит, лекин оддий ишчи экан.

Оля кулиб юборди.

– Ишчи бўлса нимаси ёмон? Ақлли-хушли, оёқ-қўли бутунми?

– Ҳа, келишгангина эди, – ёлғон гапирди Неля. – Бола-чақа қилсак, боқишни ўйладим. Тузукроқ пул топадигани чиқиб қолар бир куни.

– Айтганинг келсин.

Неля дугонасининг ўша илмий ходимни танлагани, у билан учрашиб юргани учун ичидан зил кетар, лекин буни билдирмас эди. Дугонаси билан аввалгидек кўришиб ё телефонда гаплашиб, гўё бахтидан хурсанддек юраверди. Бир куни Оля йигитнинг исми Сергей эканлигини айтиб, уларни таништириш учун дугонасини уйига таклиф қилди. Неля уникига бормасликка баҳона қидирди, лекин Оля «қаттиқ хафа бўламан» дегач, ноилож рози бўлди.

Ясан-тусан қилиб, айтилган вақтда етиб келган Неля дугонаси янада очилиб, гўзаллашиб кетганини кўрди. Улар биргаликда дастурхонга егуликлар қўйишаётганда эшик қўнғироғи жиринглади.

– Сергей келди! Гўё учиб бориб эшикни очган Оля шодон қийқирди.

Қўлидаги қадаҳларни стол устига қўйиб, соч турмагини шошиб тўғрилаган Неля хонага кириб келган йигитни кўрди-ю, сеҳрлангандек ундан кўзини узолмай қолди.

– Танишинглар, – қизнинг қалбида кечаётган ғалаёндан бехабар Оля уларни бир-бирига таништирди: – Дунёдаги энг азиз одамларимдан бири – дугонам Неля, бу йигит эса бўлажак умр йўлдошим, туғилажак фарзандимнинг отаси Сергей!

Йигит Неляга жилмайиб қўл узатди. Унинг бақувват, иссиқ бармоқларига қўли теккан Нелянинг юраги жизиллаб, бежо ура бошлади. Сергей эса қўлини тортиб олиб Оляга юзланди:

– Нима дединг?

– Рост айтдим. Икки қадрдонимга бу янгиликни «сюрприз» қилишни ният қилгандим – айтдим!

Сергей Оляни аста бағрига тортди. Неля уларнинг муносабатига ғаши келаётганини билдирмаслик учун индамай ошхонага кириб кетди. Шу куни у шинам дастурхон атрофида ўтириб нималарни гаплашишди, нима еб, нима ичишди – эслолмайди. Унинг кўз олдидан Сергейнинг спортчиларга хос қаддикомати, жилмайиши, илтифот қилаётганда ёниб турувчи кўзлари кетмай қолди. «Ҳамма, ҳамма нарса унга – шаҳар марказида уй, зўр маошли иш, мана энди бўй-басти, қадди-қоматига ҳамма қизлар ҳавас қиладиган эр! Унинг хорижий машинаси, марказда онасидан қолган уч хонали уйи, яна келажаги зўр иши бор экан. Муғомбир, йигитни қўлдан чиқармаслик учун дарров ҳомиладор ҳам бўлиб олибди. «Сюрприз» эмиш. Ҳали, шошмай тур!»

Ҳасадгўйни урма, сўкма, ўз ҳолига қўй. Чунки у бошқаларнинг омадини, бахтини кўргани сари ичидаги ҳасад илони қўзғалиб, ўзини-ўзи еб, ҳалок қилади, деганлари тўғри экан. Ҳасад ўти вужудини қамраб олган қиз ёвуз режалар туза бошлади. Аввалига йигитнинг ишхонасидаги телефон рақамини топиб, овозини ўзгартириб, Оля ҳақида бўҳтон гаплар гапирди, ҳатто у бошқа бировдан орттирган боласини сенинг елкангга ортяпти, дейишдан ҳам тоймади. Чамаси, Сергей бу иғволарга ишонмади шекилли, Оляга ломмим демади. (гапирса Оля дарҳол бу ҳақда Неляга айтарди). Учинчи марта қўнғироқ қилганида Сергей «гапинг тўғри бўлса кел, юзма-юз гаплашамиз» дегач, индамай гўшакни қўйди. Кейин худди шундай қўнғироқлар Оляни безовта қила бошлади. Яхшики у биринчи марта сим қоқишидаёқ Неляга:

– Дугонажон, янгилик, кимдир Сергей иккимизнинг бахтимизни кўра олмаяпти шекилли, ўзига-ўзи ва яна нима қилса уларнинг ораси бузилиши ҳақида ўйлай бошлади.

Эртаси куни Оля яна қўнғироқ қилди. Ҳадиксирабгина гўшакни кўтарган қиз дугонаси айтган хабардан стулга ўтириб қолди.

– Дугонажон, суюнчи бер! – деди Оля қувноқ овозда. – Икки ҳафтадан кейин тўй! Сергей «тўйни тезлаштирмасак, кимдир сени мендан тортиб олмоқчи шекилли. Бунинг устига ҳомиланг ҳам катта бўляпти» деди. Тез кел, маслаҳатлашамиз.

Демак, унинг иғволари тўй тезлашишига сабаб бўлибди-да? У бўлса нималарни умид қилиб юрибди. «Йўқ, ўлсам-ўламан, лекин сенларни бахтли бўлишингга йўл қўймайман!» Сергейнинг шошилинч икки ҳафталик хизмат сафарига кетганию, тўй сурилгани унинг учун айни муддао бўлди.

* * *

Неля дўкондан худди Сергейникига ўхшаш узун қора плаш ва шляпа сотиб олди. Дугонасининг уйи ёнида у ёқ, бу ёққа аланглаб, уларни каттагина сумкадан олиб кийиб олганида эркак кишидан фарқи қолмади. У қабиҳ режасини амалга оширишда асосий қурол бўлган, Оля яхши кўрадиган тоза қизил винодан олиб, ёқасини кўтарганча йўлакка кирди ва эшик қўнғироғини босди. Эшикни очган Оляни кўкси билан итариб, ичкарига йўналди.

– Вой тавба, вой тентак, – келган одам Сергей эмас, Нелялигини билган Оля қотиб-қотиб кула бошлади. – Сенмисан? Мен бўлсам Сергей деб ўйлабман.

Хуллас, икки дугона ширингина дастурхон тузашди. Неля ўзи олиб келган винони очди. Умрбод дўстлик, бахт, туғилажак бола учун қайта-қайта қадаҳлар тўлдирилди.

– Мана шу қадаҳни Сергей учун ичамиз! – таклиф қилди шишадаги охирги винони қадаҳларга қуйган Неля. – Фақат илтимос, менга бир пиёла муздек сув қуйиб бер, крандан.

Оля ошхонага кириб, сув олиб чиққунча Неля сумкачасидаги уйқу дорини олиб, унинг виносига аралаштиришга улгурди.

Қадаҳлар кўтарилди. Бироздан сўнг Оля:

– Негадир бошим айланиб, оғирлашиб кетаяпман. Неля, ётиб қоласан-а? – деди.

– Ҳа, мен қоламан! – Неля шундай дея шахд билан ўрнидан турди. – Лекин сен кетасан!

У карахт ҳолга тушиб, ўзини эплай олмай қолган Оляни қаттиқ итариб, ерга йиқитди ва нима бўлганини англай олмаётган дугонасининг қорнига туфлиси билан тепа бошлади.

– Мана бу – боланг учун! Буниси Сергей учун! Мана буниси – гўзаллигинг учун!

Кетма-кет зарбалар таъсиридан Олянинг додлашга, ёрдам сўраб, бақиришга ҳам ҳоли етмас, кўп миқдордаги уйқу дориси ўз кучини кўрсатмоқда эди. У боласини ҳимояламоқчидек амаллаб ўгирилди-да, инграганча юзтубан ётиб қолди.

Қутуриб кетган Неля ошхонадан гўшт қиймалайдиган ўткир пичоқни олиб чиқиб, дугонасининг елкаларига ураверди. Кейин аллақачон овози чиқмай қолган Олянинг жингалак сочларини чангаллаб, юзини ўзига қаратди. Унинг очиқ қолган, ҳайратга тўла шаҳло кўзларига кўзи тушди-ю:

– Мана, мана! – дея юзини таниб бўлмас даражада тилкалаб ташлади.

Олянинг ўлганига ишонч ҳосил қилган Неля совуққонлик билан ваннахонага ўтиб, муздек сувда бет-қўлини, қон теккан жойларини ювди. Кейин стол устидаги идиш ва буюмларни обдон артиб, бармоқ изларини йўқотди. Эгнига қора плаш ва шляпани кийиб, дугонасининг уйини тарк этди.

У тўғри онасининг уйига борди ва унинг йўқлигидан фойдаланиб эгнидагиларни сумкага солди-да шкаф ичига яширди. Кейин таксига ўтириб, ўз уйига қайтди. Сочларини тўзғитиб, пешонасини ҳеч аямай, қайта-қайта деворга урди. Ойнага қараб, кўриниши ўзи хоҳлагандек бўлганига амин бўлгач, Оля яшайдиган ҳудуд ички ишлар бўлимига қараб шошилди...

Нелянинг мақсади Оляни ўлдириб, биринчи кўришдаёқ қалбидан жой олган Сергейга қотилликни ағдариш, шу тарзда қалбида йиллар давомида тўпланиб, дугонасининг бахтини кўрган сайин баттар ловуллаб, ҳатто ичини куйдираётган ҳасад оловини ўчириш эди. Бироқ қилни қирқ ёрувчи ички ишлар ходимлари бир неча кундаёқ унинг ёвуз қилмишини фош этишди. «Ўз дугонасининг қотили» деган тавқи лаънатга учраган ҳасадчи аёл қолган умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрганлиги учун қидирилмоқда.

Фаррух Фарҳодович Юсупжонов. 1976 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Мудофаачилар кўчаси, 60-уйда яшаган.

* * *

Нурилла Пайзуллаевич Сайтходжаев. 1985 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Учтепа тумани Дадил кўчаси, 6-тор кўча, 29-уйда яшаган.

Юқорида номлари қайд этилган жиноятчиларни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга фуқаролардан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚКББга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

* * *

Самарқанд вилояти ИИБ томонидан жиноят содир этиб, тергов идораларидан қочиб юрган, 1981 йилда туғилган **Шерзод Мухиддинович Худойқулов** қидирилмоқда. У Самарқанд вилояти Оқтош шаҳар Фолиблар кўчаси, 2-уйда яшаган.

Ш. Худойқуловни кўрган, қаердалиги ҳақида маълумотга эга бўлган фуқаролардан Самарқанд вилояти ИИБга ёки яқин орада жойлашган ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши Нишон тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, майор И. Исматовга акаси **Бахтиёр ИСМАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ХЧК ва ФРБ катта инспектори, капитан Замира Рустамовага падари бузруквори **БОБОҚУЛ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ППХ ва ЖТСБ конвой взводи милиционери, катта сержант Муҳиддин Эламоновга отаси, истеъфодаги майор **Фани ЭЛАМОНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Қумқўрғон тумани ИИБ бошлиғи, подполковник Азамат Қодировга волидаи муҳтарамаси **ОЙХОЛ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Сирдарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ҲООБ бошлиғининг ўринбосари, майор М. Шахриевга падари бузруквори **КЕЛДИБОЙ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, подполковник А. Каримовга қизи **ЛАТОФАТХОНнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қиладилар.

KAMALAK

– O‘zim senga o‘qishni o‘rgataman. Bu mashina, «M» harfi.

Abu KENJAYEV surat-lavhasi.

BOLALAR TABASSUMI

Ona: – Azimjon, o‘g‘lim, agar choynakni kim sindirganini aytsang, 500 so‘m beraman.

Og‘il: – Iloji yo‘q, oyijon. Akam, agar choynakni sindirganimni hech kimga aytmasang, 1000 so‘m beraman, deganlar.

– Voy muncha chiroyli. Otini mosh qo‘yaqol, – do‘mboqqina mushukcha ko‘tarib kirgan Azimjonga dedi onasi.

Azimjon: – Jasurning mushukchasini oti ham Mosh, Botirning mushugi ham Mosh. Biz yaxshisi, mushukchamga Guruch deb ot qo‘yamiz.

BILIB QO‘YGAN YAXSHI

QADAM BILAN QULOCH NECHA CHAQIRIM?

Qadimgi o‘lchov birliklari

6-sinfda o‘qiydigan qizim adabiyot darsidan uy vazifasini tayyorlayotib savol berib qoldi:

– Oyijon, ikki pud degani qancha bo‘ladi?

– Aniq bilmayman-u, pud taxminan 16 kg bo‘lsa kerak. Demak, 2 pud 32 kg bo‘ladi. Qani savolni o‘qi-chi? – dedim qizimga.

U: – Biz adabiyotdan G‘. G‘ulomning “Shum bola” asarini o‘qiyapmiz. Savol mana bunday: “Boy shum bolani uyidan haydar ekan, unga xizmat haqi uchun “qurt tushgan olmalardan ikki pudini bitta qopga solib” beradi. Hozirgi o‘lchovda buning qancha bo‘lishini aniqlang-chi?” – deb savolni o‘qidi.

Aziz o‘quvchilar, bu kabi savollar har biringizda har kuni turli fanlardan uy vazifasini bajarayotganingizda paydo bo‘lishi mumkin. Bunga aniqlik kiritish maqsadida quyidagilarni ma’lum qilmoqchimiz, yaxshi eslab qoling.

O‘rta Osiyoda qadimdan uzunlik o‘lchovi inson tanasining biror a’zosi yordamida hisoblangan. Masalan:

- qadam – 0,75 *m*;
- qarich – 19–22,5 *sm*;
- quloch – 166–170 *sm*;
- barmoq – 20,8–22,8 *mm*;
- tirsak – 50 – 81,3 *sm*.

Chaqirim – odam tovushini eshita olish mumkin bo‘lgan masofa, taxminan 900 metr hisobida qabul qilingan tarixiy o‘lchov birligidir.

Shuningdek, xalqimiz orasida og‘irlik deb ataluvchi massa birliklari:

- misqol – 4,095 *g*;
- qadoq – 409,5 *g*;
- pud – 16,380 *kg*;
- botmon – 163,8 *kg*;
- yer maydoni yuzasining o‘lchovi – tanob = 60X60 *gaz (gaz – 105 sm)*.

Don, un va shu kabilar o‘lchov sifatida: lingcha (taxminan 65*l*), o‘tin, paxsa devorini o‘lchash uchun sarjin (bo‘yi 3, eni 0,6–0,7, balandligi 1,5 gaz bo‘lgan paxsa yoki o‘tin 1 sarjin hisoblangan) o‘lchovi mavjud bo‘lgan.

Suv sarfida qo‘llaniladigan o‘lchov birliklari:

- quloq – 11,5 *l\s*;
- tegirmon – 57 – 58 *l\s*;
- ho‘plam – 15 – 20*ml*;
- tomchi – 0,05*ml*.

Bu o‘lchov birliklari qadimda xalqimiz kundalik turmushida milliy urf-odatlari, sharoitlari, turmush darajasidan kelib chiqqan holda qo‘llanilgan. Ular yordamida hozir butun dunyoni lol qoldirayotgan qadimgi binolar, maqbara va minoralar qad ko‘targan. Bu o‘lchovlar hozirgi kunda boshqa terminlar shaklida ishlatiladi. Garchi shunday bo‘lsa ham, biz qadimgi o‘lchov birliklarini bilishimiz shart. Chunki ular bizning tariximizdir.

Zahro HASANOVA.

КОИНОТ СИРЛАРИ

«УЧАР ЮЛДУЗ»ЛАР «ЁМҒИРИ»

Ер атмосферасида бир кеча-кундузда кўз билан кўрса бўладиган 100 миллионтагача метеор учиши мумкин. Ушбу метеорлар бизга гўёки юлдуз учаётгандек кўринади. Шу ҳолатга гувоҳ бўлган ёш болалар айниқса, ундан ўзгача завқ оладилар. Лекин метеор ҳодисаси сайёрамизнинг турли жойларида содир бўлишини ҳисобга олсак, уларнинг кўпчилигини биз пайқамаймиз. Очиқ ҳаво ва ойсиз тунда осмонни эътибор ва чидам билан кузатсангиз бир соатда, албатта, бир нечта метеор учишининг гувоҳи бўласиз.

Метеорлар гўё бир нуқтадан учиб чиқаётгандек туюлади. Бундай нуқталар радиантлар деб номланади. Метеор оқимларининг

радианти қайси юлдуз туркумига тегишли эканлигига кўра номланади. Масалан, «Персеид»лар, «Ореонид»лар, «Дельта Акварид»лар ва ҳоказо.

Жорий йилнинг 17 ноябри куни кечаси кузатиладиган учар метеорлар «Леонид» деб аталади. Бу жуда кучли метеор оқими ҳисобланиб, у 3800 йилдан бери маълум. Максимум пайтида соатига 40 та метеор кузатилиши, баъзан бу оқим жуда фаоллашиб метеор «ёмғири»га айланиши ҳам мумкин. Шундай «ёмғир»лар 1901, 1934, 1966 йилларда кузатилган. Ўшанда соатига 100 мингта метеор Ер томонга «учган».

17 ноябрь куни Ой кўринмаслиги сабабли метеорларни кузатиш учун қулай шароит вужудга келади ва уларни қоронғи тушиши биланоқ кўриш мумкин.

Табиатнинг бу ажойиб ҳодисасини сиз ҳам кузатиб, завқ олишингиз мумкин.

Эслатиб ўтиш жоизки, ушбу «учар юлдуз»лар «ёмғири» Ерга ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

Г. АВАЗОВА тайёрлади.

ЕТТИ КУН САБОҒИ

БЕТГА АЙТОЛМАГАН ГАПЛАРИМ

Фалончи ака «Душманларим бир кўриб кўйсин» деб дабдабали тўй қилди. Тўй ниятига яраша бўлди. Акамизнинг таниган дўстлари, ошна-оғайнилари, ҳатто танимаганлар ҳам келиб, маза қилиб еб-ичиб кетишди.

Тўй ўтгач, «Укам қалай, тўй зўр бўлди-я», – деди керилиб. Зўр бўлганда қандоқ дедим, гапини маъқуллаб. Аммо қанча дўстлар айтилмасдан қолиб кетганини, келганларига эса эътибор бўлмаганлигини унга айтолмадим.

* * *

Кичик ўғлим: – «Дада менга ҳам велосипед олиб беринг», – деб қолди.

– Болам, сабр қилсанг велосипед ҳам бўлиб қолар, баҳор келсин-чи, – дедим.

– Вой дада, ҳар доим баҳор келсин, дейсиз. Мен сизга велосипед деганимдан бери ўртоғимнинг дадаси унга тўрттасини олиб берди. Яқинда ҳайдовчилик гувоҳномасини олса унга «Матиз» олиб бермоқчи экан, – деди норози оҳангда.

Боламнинг ўртоғини дадаси қандай йўл билан пул топишини билмаганим учун унга қачон велосипед олиб беришимнинг аниқ вақтини айтолмадим.

* * *

Бир куни хизмат сафаридан келсам, ҳамкасблардан бири: «Вой сиз кетганингиздан сўнг фалончи орқангиздан роса гийбат қилиб, мағзава тўкди-я, шундай бўлар-бўлмас гапларни гапирдики... биз ишонмадик», деди ўзини оқлагандек бўлиб.

– Ғийбатчига раҳмат. Ишониб-ишонмаганларга эса ундан ҳам катта раҳмат, – дедим.

– Вой, бу нима деганингиз? Ғийбатчига ҳам раҳмат айтадими одам?

– Бўлмаса-чи, нима дейишим керак?!

– Мана ҳозир у йўқ. Хизмат сафарида юрибди. Сиз ҳам унинг айблари ҳақида бошлиқларга кириб айтинг, – деб маслаҳат берди.

– Йўғ-е, асло унақа деманг, ахир мен ҳам унинг орқасидан гап қиладиган бўлсам, ўша ғийбатчидан фарқим қолмайди-ку, – дедим.

Аммо шу гапни сиз ҳам менга айтмаганингизда яхши бўларди, деб айтолмадим.

Шуҳрат РЎЗИЕВ.

ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар:

232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

Манзил: Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.
Мўлжал: Бешёғоч майдони, Муқимий театри.

ISSN 2010-5355

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MUASSIS:
O‘ZBEKISTOH RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir **Zikrillo NE’MATOV**

Bosh muharrir o‘rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas’ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Guli Nigor AVAZOVA**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko‘chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

TELEFONLAR: 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
E-mail: urmvd@inbox.uz

Ko‘chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko‘rsatish shart.
Qo‘lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo‘li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug‘bek bo‘limi. INN 200637499.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Buyurtma №J-8413. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57495 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko‘chasi, 1.